Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 27-avgust, №37-38 (593)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

РАМАЗОН ОЙИДА КЛИП ҚЎЙИЛМАЙДИ

Халқаро мусиқий канал MTVнинг Ўрта Шарқ версияси бўлган MTV Arabia масъуллари Рамазон ойи мобайнида видео клипларни эфирга узатмаслик ҳақида қарорга келишган.

⇨ 13-бет

"БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА..."



Оила қуришдаги муваффақиятсизликнинг асосий сабаби шундаки, ёшлар ўзига муносиб турмуш ўртоқ топишни билишмайди.

Албатта, билиб-билмай оила қуришнинг турлари беҳисоб.

⇨ 14-бет

ЎЗЛИГИМИЗ ОБИДАСИ



Мустабид тузумнинг қиличи қонга ботирилган манфур сиёсати туфайли қамоқхонага айлантирилган обида Соҳибқирон Амир Темурдан роппа-роса 620 йил ўтиб, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан бутунлай ўзгача қиёфа касб этди, зиёратгоҳга айлантирилди.

⇨ 15-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

Абдуллаева Сиёсатхон — Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Баҳромов Исаҳан Насирович — Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Каримов Эгамберган Каримович — Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, Хоразм вилояти

Сойибов Фархат Яхшиевич — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

Хожаниязов Гайратдин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг археология бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 август

Абдуллаева Сиёсатхон

Баҳромов Исаҳан Насирович



Каримов Эгамберган Каримович



Сойибов Фархат Яхшиевич



Хожаниязов Гайратдин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"

Лутфуллаев Баҳрулла Амруллаевич — Ўзбекистон давлат санъат институти профессори, композитор

Шамсуддинов Рустам Динамович — "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси бадиий раҳбари, эстрада ва оммавий байрамлар режиссёри

"Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"

Сулаймонов Рустам Ҳамидович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси профессори

Юнусов Мираҳмад Пўлатович — Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"

Номозов Маҳмуд Алматович — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳонандаси

Кайипназарова Турсингул Айтимбетовна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

Ражабов Мурод Ёдгорович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, киноактёр

"Ўзбекистон Республикаси халқ баҳшиси"

Ўмиров Кара (Қора баҳши) — Баҳши, Сурхондарё вилояти

(Давоми 2-бетда.)

ФАХР

БАХТИМСАН, ҒУРУРИМСАН — ИСТИҚЛОЛ!

Тонгларни кузатяпсизми? Отаётган ҳар бир тонгимиз бир-биридан такрорланмас, ажиб ва сурурли. Сабабини биласизми? Биласиз, албатта. Ўтаётган дақиқалар бизни Энг улуғ, энг азиз кун — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги нишонланадиган муборак айёмга яқинлаштирмоқда.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида орзу қилгани, унга етишмоқ йўлида қурбонлар бергани — Озодлик — Истиқлол, Инсон деган номни юксакларга кўтарди. Бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар аввало Инсон, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Энг олий хилқат — Инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши, ўз истак, мақсад, истеъдодини рўёбга чиқариши учун ҳамма шарт-шароит, имкониятлар яратиб берган Мустақилликнинг 17 йиллигини катта тантана қилиш арафасида турибмиз. Ана шундай ҳаяжонли дамларда ҳар бир юрт фуқароси энг аввало ўзига-ўзи: «Ким эдигу ким бўлдик? Мустақиллик менга, оиламга, Ватанимга нималар берди? Озод юртим 17 йил ичида қандай нуфуз, салоҳиятга эришди?» — деган саволларни бериши зарур. Ана шунда беқиёс ғўзаллик касб этган шаҳарларимиз, дунё таниган, тан олган Ўзбекистонимиз, юксак мақсад билан яшаётган, бунёдкорлик билан машғул юртдошларимиз кўз олдимизда намоён бўлади.



Куни кечагина қишлоғидан чиқмаган отанинг боласи чет элда ўқиб келиб, катта бир корхонани бошқараётган экан, ажабланманг. Яхши яшашга интилиб, меҳнат қилиб, уйини пишиқ ғиштдан тиклагани учун сўроқ-жавоблардан ҳоли қуриган, «тавба қилган» бобонинг набираси бугун тадбиркор бўлиб, икки қаватли уй қуриб, қўш-қўш машиналар минаётган бўлса, чин бахтга эришгани рост. Чунки Истиқлол эркимизни, ҳур ва озодлигимизни, ўзлигимизни қайтариб берди, инсон эканлигимизни англатди. Мана бугун фарзандларимиз соғлом камолга етиб, замонавий, барча қулайликларга эга мактаб, лицей, коллежларда таълим, ҳунар олишмоқда. Бир-биридан муҳташам маданий-маиший, турар-жой бинолари қад ростлаб, элга хизмат қилмоқда.

Албатта, бундай тинчлик, фаровонлик, осуда ҳаёт, қайноқ меҳнат, яратувчанлик, бунёдкорлик — Истиқлол шарофати туфайли.

Бу кунлар қадрини билмоқ учун ҳам фикр, ҳам шукр қилмоқни ўрганишимиз керак.

Манзилга томон шошиб бораётган «Дамас» ҳайдовчиси ёнидаги киши:

— Аттанг, аттанг, замон оғирлашиб боряпти, оғирлашиб... — деб қолди.

— Нега бундай дейсиз? — сўз қотди йўловчилардан кимдир.

Ҳалиги киши ўгирилиб,:

— Ҳа, энди — гурунч фалон пул Ёғ, уннинг нархи ҳам баланд. Шунга айтаман-да! Биласизми, бир пайтлар унни танлаб, қоплаб олардик. Совун деганлари яшикларда ётарди, нархи — 20 тийин эди-я. Эссиз... Шунда кимдир луқма ташлади:

— Гугуртни айтинг, гугуртни, бир тийин-а...

Анчадан бери бу гапларга жимгина қулоқ солиб кетаётган бир отахон гапга қўшилди:

— Болаларим, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Сизлар оддий рўзғор, тирикчилик ташвишларини катта ишларга алмаштириб юборяпсизлар.

— Бу нима деганингиз?

— Болам, сиз ҳозир ғалати гапларни гапиряпсиз. Биров ундай, биров бундай фикрлайди. Сизни эшитган одам шунчалар қийин шароитда яшар экан-да, деб ўйлаши табиий. Балиқ сув ичида туриб ҳам чанқадим, деган экан.

— Бор гапни айтяпманда, ота.

— Бир гапни айтишдан олдин ўйлаб кўрилади. Аввал қандай эдиму, энди кимман? Қандай яшаяпман деб? Сизни танидим. 10 гектар ерингиз бор, тўғрими?

— Тўғри.

— Яқинда «Дамас» машинаси билан «Нексия» ҳам олибсиз, деб эшитдим.

— Ҳа, энди... Боғ орқасидан...

— Ўлманг.

— Бу «Дамас» ҳам сизники, адашмасам...

— Ўғлимники...

— Барибир аввало сизники-да. «Мини-маркет» очибсиз...

3»

ЯКУН

Ватанимизнинг мустақилликка эришган йилларида қўлга киритган ютуқлари халқимизни буюк бунёдкорликка ундаётган бўлса, ижодкорларни янгидан-янги ижодий парвозлар сари илҳомлантирмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган "Энг улуғ ва энг азиз" республика кўрик-танловини ҳар йили Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ҳамкорлигида ўтказиш миллий анъанага айланиб бормоқда.

Муносиб эътироф

Жорий йилнинг 22 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мустақилликнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз — 2008» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилда мазкур ижодий беллашувда ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телерадиоижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари бўйича 962 нафар муаллиф 6600 дан ортиқ ижодий иши билан иштирок этганлигининг ўзи халқимиз, айниқса, ижод аҳли орасида танловнинг мавқеи ва аҳамияти ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, «Энг улуғ, энг азиз — 2008» республика кўрик-танлови ғолибларини эълон қилди. Муассислар томонидан танлов ғолиблари ва совриндорларига асосан 5 та номинация:

— Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари

— Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари

— Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари

— Тасвирий санъат асарлари

— Кино санъати асарлари

бўйича ҳар бир номинацияга биринчи, иккинчи, учинчи ўринлар ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Истиқлол арафасида шундай қутлуғ ва шукуҳли кунларда кўзида, қалбида қувонч ва ҳаяжон балқиб турган танлов ғолибларининг айримларини суҳбатга чорладик...

Танловнинг Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари номинацияси бўйича — биринчи ўрин соҳиби, шоир, Салим Ашур:

— Аввало, барчани Ватанимизнинг Энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик билан самимий муборакбод этаман. Камтарин ижодимга берилган бу эътибор мени беҳад қувонтирди. Буни адабиётга, санъатга берилган юксак мукофот деб биламан. Ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилигимни билдираман.

Босма оммавий ахборот воситаларининг журналистика ишлари бўйича — танловнинг иккинчи ўрин соҳиби Ўроз Ҳайдар:

— Мустақиллик арафасида ижодимга берилган бундай улкан мукофотдан бошим кўкка етди. Қалбимда кечаётган ифтихор туйғуларини сўз билан ифодалашга ожизман. ОАВ ходимларига кўрсатилаётган бундай беқиёс ғамхўрлик келгусида бизни улкан парвозлар сари етаклашига ишонаман.

Ҳа, юқорида ғолиблар таъкидлаганидек, Энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллик халқимиз ҳаётида буюк неъматдир. Истиқлолнинг олтинга тенг шукуҳли онларини барчамиз теран англаб, қадрига етайлик.

Зиёда БАХТИЁРОВА

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми”

Бакиров Обиджон Соибжонович — “Рассом” ижодий ишлаб чиқариш корхонаси рассоми

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”

Иброҳимова Муҳаррам Неъматовна — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакори

“Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи”

Иброҳимов Абдунаби Бегимқулович — Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли хонандаси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Абдиева Гулишод Эсонбековна — “Ўзбекрақс” бирлашмаси “Тановар” рақс ансамблининг балет артисти

Азатова Феруза Муроталиевна — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли раққосаси

Арслонов Ҳошим Саломович — Ўзбек давлат драма театри актёри

Кенжаев Йўлдош Ҳакимович — Бухоро вилоят қўғирчоқ театри бадиий раҳбари

Маҳмудова Нодира Умаровна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Неъматова Нигина Фарҳодовна — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли балет артисти

Раҳматов Диас Неъматович — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

Раҳимова Ҳосилахон Иброҳимовна — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги “Навниҳол” халқ ансамбли хонандаси

Эшмуродова Зулфия — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Қаюмова Малика — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Абдуазизова Назира — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Матёқубов Камол — “Ўзбекистон” телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар муҳарририятининг қадрият бўлими катта муҳаррири

Мирзаев Ғулом Абдирайимович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири

Сайдалиев Суннат Жўраевич — “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

Абулқосимова Ханжара Носировна — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Анненков Петр Тимофеевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Бобомуродова Хосият — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, публицист

Бурҳонов Асомиддин Аловиддинович — “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти бош рассоми

Ёқубов Бахтиёр Раҳимович — Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет академик катта театри директори

Зоитов Фатхулла Эргашевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали бош режиссёри

Маҳмудова Малоҳат — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Ортиқов Умид Умарович — Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси кинооператори

Муҳаммадиев Насриддин — Республика байналмилал маданият маркази директори

Расулов Саидакмал Азимович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканали теледизайнери

Тўйчиев Ёлқин Эркинбоевич — “Ўзбекфильм” киностудияси кинорежиссёри

Шаҳобиддинов Аюб Шопатхиддинович — “Ўзбекфильм” киностудияси режиссёри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Ғафуров Бахтиёр — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг неврология кафедраси мудири

Умарова Раъно Ҳамидовна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти рентгенология бўлими мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Хан Владислав Николаевич — “Севинч” аёллар футзал жамоаси бош мураббийи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Аманмурадова Акгуль Чариевна — Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси

Дониёров Тўлашбой Ашуралиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Ғаниева Суйима Ғаниевна — Тошкент давлат шарқшунослик институти мумтоз филология кафедраси профессори

Исмоилов Ҳошимжон (Абдуҳошим Исмоилов) — Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли бадиий раҳбари

Раҳимов Мирзаадҳам Мирзаҳакимович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультети кафедра мудири

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Бафоев Мустафо — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

Ёқубов Ғуломиддин Тошпўлатович (Ғуломжон Ёқубов) — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

Мўминов Қодир Тошкинович — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Раҳмонов Абдуғафур Воҳидович — Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг операция бўлими мудири

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Абзалов Мелис Орипович — “Ўзбекфильм” киностудияси кинорежиссёри

Абдужабборов Сулаймон — Республика онкология илмий маркази колопроктология бўлими раҳбари

Абдусаматов Ҳафиз Шоаҳмедович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Дадахўжаева Умида Камоловна — Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Иброҳимов Оқилхон Акбарович — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг мусиқа тарихи бўлими мудири

Малинина Ольга Васильевна — Тошкент шаҳар, Яккасарой туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими мудири

Маҳмудов Фарҳод Шавкатович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканалининг “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Махсудов Миртожибой Махсудович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри ижрочи рассоми

Мирзаахмедов Мираббос — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатуви режиссёри ва бошловчиси

Мирзоҳидов Мирсобир — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомаркази бош директорининг биринчи ўринбосари – Тошкент телемаркази директори

Митанов Холмурод Абдурасулович — “Ўзбекистон” нашриёт—матбаа ижодий уйи муқовалаш цехининг колбус участкаси бригадири

Ниёзов Равшан Шоюсупович — “Устазода” корхонаси ганч ўймакори

Раҳимжонова Марғуба Ёқубовна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти

Хўжаев Озод — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кардиоцеребрал касалликлар лабораторияси мудири

Ҳожиматов Қаҳҳор — Ўзбекистон Фанлар академияси “Ботаника” илмий ишлаб чиқариш марказининг лаборатория мудири

Кўчқоров Бахтиёр Аллаёрович — Сурхондарё вилояти Ангор тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими хирурги

Сотволдиева Маҳбуба Насриддиновна — Фарғона вилояти, Фарғона тумани Шоҳимардонобод қишлоқ врачлик пункти мудири

Эгамбердиев Шуҳрат Абдуманнопович — Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти директори

Ҳамроева Гули Раззоқовна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Арифхонова Маҳбуба — Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш маркази бош врачи

Жалилова Дилором — Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Мамадумарова Ширмонхон Ёқубжоновна — Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлими врач-неонатологи

Матёқубова Зевар Матёқубовна — Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Гулобод қишлоғидаги “Сабурзон” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Қаландарова Амина Нуруллаевна — Республика скрининг марказининг Нукус филиали директори

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Дўстлик” ордени билан

Авезов Сотимбой (Сотим Аваз) — “Урганч оқшоми” газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Азимжонова Назирахон Каримовна — Андижон вилояти, Балиқчи тумани Балиқчи қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Базарбаева Нуркул Алимбаевна — Навоий вилояти, Конимех тумани маданият ва спорт ишлари бўлими “Жас тулек” ансамбли бадиий раҳбари

Власов Дмитрий Геннадьевич — “Ўзбекфильм” киностудияси мультфильмлар режиссёри

Дурманова Лариса Евсеевна — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Исматиллаев Холмаҳмат — “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол

Кучеренко Людмила Михайловна — “Народное слово” газетаси масъул котиби

Матчонов Оллоёр Рўзметович — Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани Зарбдор қишлоқ врачлик пункти мудири

Муродова Дилора Аҳмедовна — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

Ни Анатолий Александрович — Ўзбекистон Фанлар академияси Геология ва геофизика институти катта илмий ходими

Прохоров Сергей Аркадьевич — Республика ихтисослаштирилган урология маркази даволаш-диагностика бўлими мудири

Тошматова Зухра Шухратовна — “Офарин” замонавий рақс театри солисти

Турсунов Махсут Муҳитович — Бухоро вилояти, Когон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси

Шин Агрепина Васильевна — Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори

Шоюсупова Марҳабо Умурзоқовна — Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани “Найман” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Эшонқулов Маҳмуджон — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Ўрмонов Турсунали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шоир

Ғуломова Гулнора Ўринбоевна — Ўзбекистон давлат табиат музейи бош фонд сақловчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Шуҳрат” медали билан

Бектемирова Гулноза Рустамовна — “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг Сирдарё вилояти координатори

Бозоров Абдулла — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасининг бўлим мудири

Борзенко Сергей Яковлевич — Самарқанд вилояти, Булунғур тумани 9-сон болалар мусиқа мактаби директори

Жўраева Зинура Абдукаримовна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Зиёхонов Хуршид Жавидович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график рассом

Заирова Алмагул Турдимуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Зайниддинов Сирожиддин Савронбекович — Ўзбекистон миллий параолимпия ассоциацияси спортчиси, шахматчи

Икромов Сайфулла Ҳамдамович — “XXI аср” газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири

Исмоилова Ирода Исмоил қизи — “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси раққосаси

Исроилов Баҳодир Исмоғилович — Тошкент шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари

Йўлдошев Равшан Сотиболдиевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими аъзоси, маҳобатли безак рассоми

Камалов Азат Жаксиликович — Нукус телерадиомарказининг тасвир монтаж гуруҳи бошлиғи

Мирзахўжаев Саидаҳмад Турсунхўжаевич — “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Муродова Мавжуда — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг ахборот-ресурс маркази раҳбари

Наурзалиев Руслан Маратович — Академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Нурмуродов Яхшибой — Самарқанд вилояти, Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам маркази кардиологи

Ортиқов Эшпўлат Рўзиевич — Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси

Примбетова Бибираба Тлепбергеновна — Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туман қишлоқ врачлик пункти мудири

Раҳимова Альфия Ражабовна — Бухоро вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси ҳамшираси

Раҳматуллаева Махсуда Турғунбоевна — “Янги авлод форуми” болалар ижодиёти маркази директори

Раҳмонов Чоршанби Ҳайдарович — Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бош муҳандиси

Сайдумаров Саидакром Эргашевич — Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Султонов Ислом Исломович — “Ҳуррият” газетаси бўлим мудири

Султонов Рафиқжон Мамасолиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тожихўжаев Тўлаган — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Туремуратов Шарибай Науризбаевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Табиий фанлар комплекси институти лаборатория мудири

Усманов Нурлан Октамович — “Маърифат”—“Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Холодова Наталья Юрьевна — Сурхондарё вилояти, Термиз олимпия захиралари коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Швец Владимир Александрович — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қолиплар тайёрлаш цехи оператори

Шомансуров Шоолим Шоисломович — “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, миниатюрачи наққош

Эгамов Рамазон — Навоий вилоят ўлкашунослик музейи директори

Эрматова Ҳабиба Раҳимовна — Республика маънавият тарғибот марказининг Жиззах шаҳар бўлими тарғиботчиси

Эшонқулова Муҳайёхон Ҳабибуллаевна — Наманган вилояти, Наманган туманидаги Тошбулоқ саноат касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси

Ўрмонов Музаффар — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Фаттоева Зарина Аҳмедовна — “Офарин” замонавий рақс театри солисти

Қувватов Умриузоқ Йўлдошевич — Қашқадарё вилоят ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Қосимова Феруза Абдувалиевна — Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани “Ёшлар” қишлоқ врачлик пункти мудири

Ғайбуллаева Манзура Суроновна — Навоий вилояти, Кармана туманидаги 25-махсус мактаб—интернатининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Ҳасанова Роҳиба — Самарқанд вилояти, Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг физика ва астрономия фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 август

Бугуннинг нафаси

■ **Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида Избоскан туманидаги Урганжи қишлоғида енгил саноат касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур 720 ўринли коллежда олтита йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.**
Жорий йилда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида ўнта замонавий касб-ҳунар коллежи ёпларга туҳфа қилинмоқда.

■ **Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Бахмалшароб» корхонаси «Тошкентвино» очиқ акциядорлик жамияти томонидан таъмирланиб, замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозланди. Корхонада винодан ташқари турли чанқоқбости ичимликлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда Тонготар, Турон, Гулбулоқ каби қишлоқларнинг олтмишга яқин ёплари иш билан таъминланди. Келгусида корхона тўла қувват билан ишлашга ўтгач, яна ўнлаб янги иш жойлари яратилади.**

■ **Фарғона вилоятининг бир қатор бозорларида бир марталик чинга тўловларини йиғишда янгилик жорий этилди. Жумладан, “Марғилон шаҳар деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятида мазкур тўловларни йиғиб олиш компьютерлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу эса кўркам ва муҳташам бозорнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда.**

■ **Самарқанд шаҳрида «Самарқанд нонлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ғолибликни қўлга киритган 200 нафардан зиёд новвой, шунингдек, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар пўлоти, ширмой, жиззали, ниёзли, гўштли, седанали, патир каби 50 хилдан зиёд нонларни намойиш этди. Танлов якунида Самарқанд ва Пахтачи тумани новвойлари биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Самарқанд шаҳри, Ургут, Каттақўрғон ва Пайариқ туманлари вакилларига насиб этди.**

■ **Ховос тумани Қорақум қишлоғи ёплари янги ўқув йилини янги мактабда бошлайди. Бу ерда барча қулайликларга эга 216 ўринли замонавий ўқув маскани барпо этилди. Шу йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилоятида 20 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 23 та мактаб қайта таъмирланиб, бутунлай янгича қиёфа касб этди.**

■ **“Мўъжиза-Н” масъулияти чекланган жамияти Наманган шаҳри аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб келмоқда. Жорий йилда цехларни кенгайтириш натижасида маҳсулот ҳажми янада ортди, янги иш ўринлари яратилиб, ишчи-хизматчилар сони 160 кишига кўпайди. Айни пайтда корхонада бир кечакундузда 40-45 тонна, 28 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.**

■ **Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида жами 59 та корхона ва ташкилот иштирок этиб, 306 бўш иш ўринларини таклиф қилди. Шу куни 230 нафар киши ишга жойланди.**

■ **2008 йил 24-26 сентябрь кунлари Тошкент ва Андижон шаҳарларида ICTExpo 2008 — Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Ҳафталикда мамлакатимиз вакиллари билан бир қаторда дунёнинг турли мамлакатлари, хусусан, Россия, Хитой, Украина, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Венгрия ва бошқа давлатлардан 110 дан ортиқ компаниялар, соҳа мутахассислари иштирок этишади.**

Нодир ПАРДАЕВ тайёрлади.

БАХТИМСАН, ҒУРУРИМСАН — ИСТИҚЛОЛ!

(Бошланиши 1-бетда.)

— Қўлда бори-да, болаларга қолдирайлик деймиз-да!

— Бу гапларни ғайирликдан эмас, ҳавасдан гапиряпман. Ўша сиз айтаётган 1 тийинга гугурт берадиган замонларда битта машина олиш учун мингта чиғириқдан ўтиш керак бўларди. Ортиқча ер, қўшимча даромад қиламан деган панжара ортига кетарди. Ҳар замонда ҳам камчилик, нуқсон бўлади. Лекин бундай дориломон замонни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Яна Сиз бугундан нолиб гапираётганингизга ҳайронман.

— Ўҳ-ҳў, — деди ўртаёш йигит, — миллионер экансизу, ака, гапларингиздан одам ваҳимага тушади-я!

— Ҳа, энди, айтдим-қўйдимда! Худога шукр, тонналаб буғдойим, катта идишларда ёғимиз, қўра тўла қўй-молимиз бор, — очилиб кетди бояги киши. — Ҳамма болаларни уйлаб, ҳовли-жойли қилиб, тагига биттадан машинани миндириб қўйганмиз. Худо хоҳласа, бу йил ҳаж сафарига бориш ниятим бор.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, болам. Бунақа эски гапларни ташлаб, янгисини гапиришни ўрганинг. Душманларнинг оловига ёғ пуркаманг. Мустақиллик бўлмаганда ҳаж зиёратини тушингизда ҳам кўролмасдингиз. Ё гапим нотўғрими?

— Тўғри, отахон. Узр. Бу томонларини ўйламай, гапирибмиз-да! Суяксиз тил, дейишади-ку!

— Ҳа, Мустақиллик туфайли мана шундай бой бўлиб керилиб юрибсиз. Буни унутманг. Унутишга ҳаққингиз ҳам йўқ. Акс ҳолда, кўрнамаклик қилган бўласиз.

Ҳамма жим қолди.

Тўғри-да, кўрни-ку кўр дейсиз, лекин кўзи очиқ туриб, шундай кунларни кўрмаслик, еб туриб, емадим дейишлик, инсофданми?

Мустақиллик энг аввало бизга кимлигимизни — Инсонлигимизни англатди. Бахт, Эрк, Озодлик, Шаън, Қадр-қиммат берди.

Буни билмаслик мумкин эмас. Бу — ўзлигини, инсонлигини унутиш билан баробар эмасми?

Тўғри, айрим «олма пиш, оғзимга туш» қабилида яшашга одатланган кимсалар учун бугунги кун, бозор иқтисодиёти тирикчилик важидан мураккаб туюлаётган бўлиши мумкин. Чунки қадимдан ота-боболаримиз меҳнат қилиб яшаган, яратган, ижод қилган. Мана бугун Самарқанду Бухоро, Фарғонаю Хива каби шаҳарларимиздаги меъморий обидаларни кўрган сайёҳлар боболаримизнинг ақли, санъатига, иқтидорига тан бермоқдалар. Ахир, неча асрлардан буён не-не босқинчиликлар, талон-торожлар, табиий офатлар бўлмади? Бу обидалар ана шулардан омон ўтиб, авлодларидан ўз ҳусни, қаддини йўқотмай туришининг ўзи мўъжиза-ку! Бу аждодларимизнинг буюклиги, қудратининг яна бир исботи эмасми?

Бундан бир йилча аввал ҳоким қабулига кириш учун ўтирган бир аёл билан ҳамсуҳбат бўлиб қолгандим. Айтишича, моддий ёрдам сўраб келган экан.



Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

— Қийналиб кетдик. Ҳаммаси ейман, кияман, дейди, — деди у. — Қиш яқинлашяпти. Ўтин-чўп керак.

— Болаларингиз ёшми? Эрингиз қаерда, — сўрайман ундан.

— Хўжайинимнинг мазалари йўқ. Оёқлари оғрийди. Учта ўғлим бор. Каттаси 22 ёшда. Кичиги 18 ёш...

— Ишлайдиган ёшда экан-ку!

— Иш йўқ-да... Хўжайиним, ҳокимга бир арз қил-чи, деб юбордилар.

— Ўзлари нима қилишяпти?

— Айтяпманку, иш бўлмагандан кейин нима қилишарди, кечгача телевизор кўриб ётишади-да!

Қаранг-а, уйда тўрт нафар тоғни урса талқон қиладиган эркаклар туриб, тирикчиликдан қийналдик, дея идорама-идора юрган аёлга нима деб жавоб қилиш мумкин. Нон топаман деган одам кўчага чиқса, иш кучи керак бўлмаган жойнинг ўзи йўқ-ку! Ҳамма жойда қурилиш, бунёдкорлик, боғ ва далаларда ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ҳоказо...

Иш йўқ эмас, айрим юртдошларимизда сабр, тоқат йўқ. Тайёрга айёрлик касали бор ва ана ўшалар кўп ҳолларда замондан нолишади, ўз «хасталик»ларини ўзгаларга ҳам юқтиришади ва бу ҳолат мустақиллигимизни, тинч, фаровон ҳаётимизни кўра олмаётган ғанимлар учун дастак бўлиб хизмат қилади.

Яқинда нанайлик бир аёл билан танишиб қолдим. Вужудидан ғайрат, сўзларидан қатъият ва ишонч ёғилиб турган бу аёл «Дурдона» деб номланган фирмани бошқарар экан.

— Мустақилликдан сўнг яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, фирма очдим. Турмуш ўртоғим ҳам ёрдам берадилар. Бир нечта техникамиз бор. Асосан аҳоли, корхона, ташкилотларга хизмат кўрсатамиз.

Бундан ташқари 2 гектар боғимиз бор. Дарахтлар оралиғига хўжалигимиз учун зарур бўлган сабзавот экинларини экамиз.

Худога шукр. Ҳар йили 7-8 миллион сўм атрофида даромад оламиз. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли. Барчаси уй-жойли, енгил машиналари бор.

Лекин булар ўз-ўзидан бўлмайди. Эрта баҳордан кеч кузгача тинмаймиз. Даламизга кўчиб чиқволамиз. Куннинг иссиғига ҳам, шамол, жала-ёмғирга ҳам дош берамиз.

Баъзан:

— Насибахон, сизга ҳавасимиз келади, дейишади. — Кам-кўстсиз, бахтлисиз.

«Тоққа чиқмасанг дўлона қайда», — дейишади. Меҳнат қилмасак, уй-жой, машина, тўю маракалар ўз-ўзидан бўлармиди.

Ана шу бекаму кўстликка, бахтга меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат орқасидан эришаётганимизни биров билади, биров билмайди.

Бунинг учун аввало ишлайман, деганки инсонга барча шарт-шароит, имкониятларни яратиб бераётган Президентимиздан, эркин меҳнат қилиш, ўз мақсадларини рўёбга чиқаришдек ҳуқуқни берган Истиқлолдан миннатдорман.

Тадбиркор Насиба Муродова жуда ҳақ гапни айтди. Истиқлол халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди. Мустақилликдан сўнг амалга оширилган ислоҳотлар ҳам энг аввало инсон манфаатларига, унинг бахтли-саодатли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда.

Инсон учун ҳур ва эркин яшамоқ, ўз орзуларини рўёбга чиқармоқдан-да олий бахт борми? Ана шундай БАХТНИ, САОДАТНИ, ИМКОНИЯТни берган ИСТИҚЛОЛга ҳар қанча шукроналар айтсак оз.

Тобора яқинлашиб, қалбимизни энг тиниқ, покиза туйғуларга тўлдираётган Истиқлолнинг 17 йиллигини кенг нишонлаймиз.

Ўн етти йил мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар йили бўлди десак янглишмаган бўламиз. Шу муддат ичида ўзбекни, Ўзбекистонни дунё таниди. Жаҳон миқёсида обрў топди, беқиёс нуфузга эга бўлди.

Биз шу жонажон юрт фуқароси сифатида ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса оз. Зеро, Истиқлол қуёши мунаввар этган она-Ватанимизнинг бундан-да равнақ топиши йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, фидойилик кўрсатсак ярашади.

Лобар РУСТАМОВА

МУЖДА

Ёшлар маркази очилди

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида Андижон шаҳрида замонавий меъморчиликнинг энг жозибали услубида қад кўтарган ҳашаматли Ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди.

Илгари шаҳарнинг Марказий универсал магазини ҳисобланган ва кейинги пайтлар темир-бетон конструкциясидан ташқари барча нарсаси бузиб олиб кетилиб, харобага айланиб ётган бино ўрнида замонавий Ёшлар марказини барпо этиш ғояси "Мустақиллик — АН" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, таниқли тадбиркор Нурилло Раҳматуллаевга тегишли. Бу олижаноб ташаббусни вилоят ҳокимлиги ҳамда "Саноатқурилишибанк"и ўз вақтида қўллаб-қувватлади. Бюртмачи учун 7 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди ва қисқа муддат ичида ўз ниҳоясига етказилди.

Лойиҳанинг мукаммал амалга оширилишида барча бунёдкорлик ҳамда жиҳозлаш ишлари жараёнига бош-қош бўлиб турган яна бир олижаноб инсон — фидойи тадбиркор Ўктам Охуновнинг номини ҳам алоҳида эътироф этмоқ зарур.

Марказ вилоят ёшларига энг замонавий шароитларда ҳамда энг сўнгги талаблар даражасида таълим бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида барпо этилди.

Мажмуа қошидаги таълим масканида барча асосий ўқув фанлари ҳамда тикувчилик, пазандачилик, миллий ҳунармандчилик, уй ҳамшираси сингари турли йўналишларда ўқув курслари ташкил этилган. Қўшимча таълим дарслари замонавий жиҳозланган шинам хоналарда вилоятдаги таниқли мутахассислар ва педагоглар томонидан олиб борилади.

Махсус ташкил этилган Ахборот-ресурс маркази (АРМ) 130 ўринли компьютер залида жойлашган бўлиб, бу ерда талабалар, ўқувчилар, тадқиқотчилар, бизнесменлар ва бошқа соҳа вакиллари ўзлари учун исталган маълумотни топиши мумкин. АРМда шунингдек, дизайн хизмати, фото ва видеостудия, дастурчилар гуруҳлари, интернет хизмати, буюртма асосида интернет сайтлари яратиш ва интернет тармоғида жойлаштириш хизматини кўрсатувчи вебстудия ҳам фаолият кўрсатади.

Марказда Андижон вилоятида биринчи марта замон талабларидан келиб чиққан ҳолда психологик маслаҳат хонаси ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Андижон Ёшлар маркази, шунингдек, спортнинг хилмахил турлари бўйича шуғулланиш имконини берувчи энг замонавий қулайликларга эга эканлиги, янги оила қураётган йигит-қизларга мўлжалланган маслаҳатхоналар ҳамда тантаналар саройи ва банкет заллари билан ҳам алоҳида қимматга эга.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
"Ҳуррият" мухбири.

ЎТМИШ ВА БУГУН

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Чироқсиз “чароғбонлар”

Аслида ўз даврида тарихий ҳодиса саналган, анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган, бугун эса ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган бу воқеани эллик икки йилдан сўнг эслашнинг унча ҳожати ҳам йўқ эди. Бироқ, унинг айрим қирралари бир томондан 31 августда нишонланадиган қатағон қурбонларини ёд этиш кунига дахлдор, иккинчи томондан бугунги авлод учун ҳам қизиқарли бўлиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда ушбу мақола битилди.

Олдиндан айтиш керакки, мақсадимиз ўша воқеанинг бутун тафсилотларини таҳлил этиш, унинг ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдириш эмас.

* * *

1956 йилнг 11 октябрида шўро жамияти ва юртимиз тарихида бир марта ва биттагина анжуман – Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съезди, бошқача қилиб айтганда, зиёлиларнинг қурултойи бўлиб ўтган.

Ўзбек маърифатпарварларини ёдга солувчи “зиёли” сўзи луғатдан ўчирилган, “культурно-просветительские“ атамаси ҳам “ маъданий-маърифий” шаклида эмас, қандайдир ғалати “маданий-оқартув” тарзида ишлатиладиган бир даврда элнинг энг пешқадам қисми саналган илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат арбобларининг бошини бирлаштириб, уларнинг алоҳида анжуманини, бунинг устига ўн бешта республика ичида биргина Ўзбекистонда ўтказилиши бир жиҳатдан ҳайратланарли ҳол бўлиб туюлади.

Ўша кезда бунақа муҳим тадбирлар, фақатгина, Кремлда ўтирган компартия ва шўро раҳбарларининг фатвоси билангина ташкил этилиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг моҳияти бирмунча ойдинлашади.

1956 йилнинг бошида КПССнинг “машҳур” XX съезди бўлиб ўтади. Машҳурлигининг маъноси шундаки, 25 февраль куни ёпиқ тарзда ўтказилган навбатдаги мажлисда партиянинг биринчи котиби Никита Хрушчев кутилмаганда “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида” маъруза қилади ва 1922-1953 йилларда партия ва ҳукумат раҳбари бўлган Сталиннинг кирдикорларини очиб ташлайди. Гап асосан оммавий қирғинлар ва қатағонларнинг кўлами ҳақида боради, ноҳақдан отилган, қамалган турли тоифадаги раҳбарлар, олимлар, адиблар шаънини оқлаш масаласи кўтарилади.

Сталинни қоралаш орқали ўзининг гуноҳларини хаспўшлаш, айни пайтда шахсга сиғинишни қоралай туриб, ўз шахсини улуғлашни мақсад қилиб олган Никита Хрушчев ўз сиёсатининг бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланишини, шу тарзда ўзининг ҳақлигини исботлашни истайди.

Ўзбекистон интеллигенциясининг съездини ўтказишдан мақсад ҳам, республикада рўй берган аёвсиз қатағонларнинг кўламини бор дахшати билан очиб ташлаш орқали Сталиннинг қанақа ёвуз шахс бўлганини халққа кўрсатиб беришдан иборат бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

Интеллигенция съезди кун тартибига биттагина — “Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорлари ва республика интеллигенциясининг вазифалари” ҳақидаги масаланинг қўйилиши ҳам шундан далолат беради.

Мен бундан кўп йиллар муқаддам ушбу съезднинг китоб шаклида чоп этилган стенографик ҳисоботини қўлга олганимда, биз билмаган кўпгина сирларга калит бўладиган манбани топгандек бўлгандим. Бундай катта анжуманда шўро давлати ҳудудида пайдо бўлган “илиқлик” муҳитидан фойдаланиб, ўзбек зиёлилари ўттиз йил давомида юракларида тўпланган дардларини тўкиб солгандек, шафқатсиз қатағонларнинг илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳаларига етказган беқиёс зарари ва унинг оқибатлари ҳақида куюнчаклик билан сўзлагандек туюлганди.

Очиғи ўша пайтдаёқ китобни варақлай туриб ҳафсалам пир бўлганини айтмасам бўлмас. Чунки, бу анжуманда сўзланган маъруза ҳам, нутқлар ҳам оддий мажлисда айтиладиган гаплардан фарқ қилмас, агар муқовасида “Ўзбекистон интеллигенциясининг I съезди. Стенографик ҳисобот” деб ёзиб қўйилгани эътиборга олинмаса, мазмунан ўша даврда русум бўлган оддий фаоллар йиғилишининг тафсилотидан фарқ қилмасди. Бунинг учун бировни айблаш фикридан йироқмиз-у, аммо ачиниш ва алам уйғотадиган унинг бир томонига тўхталишни жоиз деб билдим.

Делегатлар таркиби ҳақида ўша даврнинг таомилига кўра ахборот берган мандат комиссияси раиси съездда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 39 та академиги ва корреспондент аъзоси, 89 та фан доктори ва 196 та фан кандидати, 17 та ёзувчи, 52 нафар санъат арбоби, шу жумладан 3 нафар СССР ва 29 нафар Ўзбекистон ССР халқ артисти, 108 нафар врач қатнашаётгани ҳақида маълумот беради.

Афтидан у пайтларда олий маълумотга эга бўлган кишиларнинг ҳаммаси интеллигенция ҳисобланган бўлса керакки, съездга 249 нафар саноат, транспорт, қурилишда ишлаётган инженер ва техниклар, агрономлар ва қишлоқ хўжалик механиклари, партия, совет ва хўжалик ходими ёки турли раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган, аммо, кўпчилигининг илм-фан, адабиёт ва маъданиятга унча алоқаси бўлмаган 173 киши ҳам ҳам делегат қилиб сайланган.

Съездда республиканинг ўша пайтдаги биринчи раҳбари қилган маъруза “Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси”, “Олтинчи беш йиллик ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари”, “Фанни янада ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масаласи”, “Идеология ишининг баъзи масалалари”, жумладан, “Маданий-оқартув ишлари”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш” сингари боб ва бўлимларга бўлинган.

Маърузачи Сталиннинг шахсига сиғиниш оқибатлари ҳақида умумий тарзда уч-тўрт калима сўз айтгандан сўнг, асосан иқтисодий-ижтимоий масалаларга, эришилаётган ютуқлар ва муаммоларга тўхталади. Миллий маънавиятнинг пойдевори бўлган — тарих ва фалсафа фанларининг аҳволи, адабиёт ва санъат соҳасидаги муаммолар ҳақида арзир-арзимас фикрлар билдирилади. Хусусан, нотиқ тарихни ўрганиш масаласига тўхталиб, асосан совет даври тарихини ўрганиш борасидаги ишлар суст бораётганига урғу бериб, **“Масалан, юридик фанлари тарихи доктори, ўртоқ Эшонов 15 йилдан буён Бухоро халқ республикаси тарихини ўрганмоқда, ҳолбуки бу республиканинг ўзи бор-йўғи тўрт йил умр кўрган”**, деса, адабиёт ва санъат масалаларига келганда **“Фурқат” драмасини ёзиб тамомлаш учун ҳурматли Ғафур Ғуломга ўн йиллик муддат кифоя қилмабди. Ғафур Ғулом 1952 йилда бу драмани бир-икки йилда ёзиб тамомлайман деб ваъда берганди. Ёзувчи Уйғун ва композитор Бурҳонов “Навоий” операсини яратамиз деб берган ваъдаларининг устидан чиқмадилар. Халқимиз 1952 йилдан буён Яшин ва Ашрафийдан “Ҳамза” операсини, Литвинова ва Мушелдан “Тонг отарда” балетини, шоира Зулфиядан “Қишлоқ врачи” поэмасини кутиб келмоқда”** қабилидаги сўзлар билан кифояланади.

Шу ўринда маърузачининг адабиётимизнинг белини синдирган, устунларини қулатган ва ҳеч ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарар етказган қатағонлар оқибати ҳақида лом-мим демагани етмагандек, унинг уқубатини ҳамма соҳадан кўпроқ тортган адабиётга ва ёзувчиларга нисбатан тутган позицияси бир қадар ғалати ва кулгилидир. У: **“Совет ҳокимиятини ўрнатиш, интервенцияни ва босмачиликни тугатиш, индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социализм қуриш даврида ўзбек адабиётининг бир қанча йирик намояндалари бўлмаган дейиш мумкинми?”**, деган саволни ўртага қўяди-да, уларнинг кимлигини айтишни лозим кўрмайди. Чунки, бир қисми отилган, бир қисми қамоқ ва сургунларда адойи тамом этилган, бир қисми ўз юртида ҳам тазйиқ ва таҳдидларга гирифтор этилган адибларнинг исми-шарифини тилга олишдан ҳайиқади.

Шунинг учун мавзуни бошқа томонга буриб юборади: **“Шу сабабдан бизнинг фикримизча, адабиётни яхши биладиган ўртоқларимиздан бир группасига ана шу ўзбек адабиётини ўрганишни топшириш, репрессия қилинган айрим ёзувчи ва шоирларнинг ишларини кўриб чиқиш ва ўша даврда ёзилган баъзи адабий асарларнинг тақиқланиши нақадар тўғри эканини аниқлаш тўғри бўларди. Ўз асарларида хато ва нуқсонларга йўл қўйган, лекин душманлик ниятида бўлмаган ва давлатга қарши иш кўрмаган ҳамда халққа нисбатан хоинлик қилмаган ёзувчи ва шоирларни оқлаш, уларнинг энг қимматли асарларини қайтадан нашр этиш керак”.**

Шу ўринда бирорта аниқ ёзувчи ва шоирнинг номини тилга олмаслик нозик қулай туюлган бўлса керакки, нотиқ бу фикрнинг охирини ҳам мужмаллаштириб, шундай дейди: **Абдулла Қодирий (Жулқунбой) каби машҳур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи эканлигига кўп киши ишонмайди. Унинг ишини диққат билан текшириб кўриш ва агар жиноят қилмаганлиги аниқланса, Абдулла Қодирий (Жулқунбой)ни оқлаш ва унинг бир қатор популяр асарларни қайтадан нашр этиш керак бўлади.**

Ўзбек адабиёти, санъати, маданияти берган қурбонлар, халқининг қайғусини чекиб, оқибатда “халқ душманлари”га айлантирилган улуғ инсонларнинг фожиаси ҳақида айтилган бор-йўқ гап шу. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Боту сингари адибларнинг “жиноий иш”лари қайта кўриб чиқилмагани боис, уларнинг ҳақ ёки ноҳақлиги тўғрисида сўз юритиш ноқулай бўлган бўлса эҳтимол.

Лекин, ҳақсизликнинг азобини тортиб, бир неча йиллик умрини қамоқ ва сургунларда кечирган, яқиндагина жаҳаннам қаъридан қайтиб келган Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, Тўхтахон Жалилов, Миркарим Осим сингари шоир ва ёзувчилар, Ҳамид Сулаймонов, ака-ука Алимуҳамедовлар каби олимларнинг номини эслаш, узр сўралмаганда ҳам, уларга берилган жазонинг ноҳақлигини айтиб ўтиш ҳам лозим кўрилмади.

Уларнинг ўрнига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Болтабоев, бўлим мудирлари Усмонов ва Берегин, собиқ молия халқ комиссари Исломов, ер ишлари халқ комиссари Исломов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Исроилов, Хоразм округ партия комитетининг собиқ секретари Исроилов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг собиқ секретари Болтаев, “Правда Востока” газетасининг собиқ масъул редактори Ҳасанов, республика Марказий ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Манжара, район партия комитетнинг собиқ биринчи секретари Шодиевалар асоссиз айбланганликлари учун оқланганлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг собиқ биринчи секретари Акмал Икромовнинг иши кўрилаётгани маълум қилинади.

Шундан сўнг сўзга чиққан йигирмадан ортиқ нотиқлар – республиканинг атоқли олимлари, санъат арбоблари ва партия раҳбарларидан бирортаси ҳам бу мавзуга қайтмайди, ақалли, ўзлари яхши билган, аммо исми-шарифи ҳамон “халқ душманлари” қора рўйхатида қолиб, оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари азоб чекаётган кишилардан бирортасининг номини тилга олиб, уларни тезроқ оқлаш зарурлигини эслатмайдилар ҳам.

Хайриятки, съезд мутасаддилари ҳиммат кўрсатиб, яқиндагина қамоқдан қайтган Мақсуд Шайхзодага ҳам сўз берадилар. Бағрикенг, кечиримли, донишманд шоир қалбидаги жароҳатларни кўз-кўз қилишни, ўзига чоҳ қазиган ғаламислардан минбардан туриб ўч олишни ўзига эп кўрмайди ва нутқини бироз баландпарвозроқ сўзлар билан бошлаб, давомини шеърга улаб қўя қолади. Шайхзоданинг сўзида битта эътиборга молик изоҳ бор. **“Ҳозир мен интеллигенцияга бағишланган шеъримни ўқиб бермоқчиман, — дейди у. — Бу шеърнинг сарлавҳаси “Чароғбонларга”дир, хонаси келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ўзбекчада “интеллигент” сўзи билан бир қаторда илгаритдан бери “зиёли” сўзи ҳам қўлланилмоқдаки, бунинг маъноси ёруғ ва нур эгаси демакдир.”**

Шу ўринда бугунги авлод учун оддий туюлган “зиёли” ва “чароғбон” сўзларига эҳтиёткорлик билан ёндошиб, изоҳ берганининг ўзи ҳам анжуман қатнашчиларининг билими ва савиясидан шоирнинг хавотирда эканини кўрсатиб турибди. Бирорта сиёсий ҳушёр, ақли тўмтоқ “арбоб” битта сўз учун уни жадидлар ва миллатчиларнинг “думи” сифатида айбламаслигига ким ҳам кафолат берарди ўша кезда?

* * *

Албатта, узоқдан қараб, ўтган воқеа ҳақида турли мулоҳазаларни баён қилиш, ундоқ қилиш керак эди, бундоқ қилиш керак эди қабилидаги фикрларни айтиш жуда осон. Хусусан, юқорида тилга олинган съезд ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мен шундай анжуманнинг бесамар ўтганига ачинаман. Албатта, ярим асрдан сўнг, унинг устига шўролар даврида ўтган бир йиғилиш ҳақида шу тарзда гапирилаётгани бир қадар ажабланарли кўринади. Чунки, бунақа тайинли-тайинсиз тадбирлар шу қадар сон-саноқсиз бўлганки, ҳатто гапиришга ҳам арзимайди.

Яқинда вафот этган машҳур рус ёзувчиси Александр Солженицин, маълумки, сиёсий айблар билан қамалиб, узоқ йиллар маҳбуслик азобини чеккан, озод этилгандан сўнг эса тиканли симлар ортидагилар қисмати ҳақида “Иван Денисовичнинг бир куни” қиссасини ёзади. Н.Хрушчев “Новый мир” журналида чоп этилган бу қисса учун муаллифга ўша даврнинг энг мўътабар соврини ҳисобланган Ленин мукофотини бериб юборишига сал қолади.

Аммо, Ўзбекистон раҳбарлари бундай қалтис қадамни қўйишга чўчиганликларидан, съездни оддий йиғилишларда бемалол муҳокама этилиши лозим бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, клуб ва кутубхоналар тизимини ривожлантириш, фаннинг айрим соҳаларини юксалтириш масалалари муҳокамасига бағишлашни афзал кўрадилар.

Натижада йигирманчи йиллардан бошлаб узлуксиз тарзда таъқиб этилган, турмаларга тиқилган минглаб ўзбекистонлик фуқаролар, хусусан 1937-1939 йилларда “учлик” томонидан отувга ҳукм қилинган 6 минг 920 нафар, турли муддатларга қамоқ ва сургунларга ҳукм қилинган 37 минг нафар юртдошимизнинг аянчли тақдири ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмайди, Жилла қурса, ҳеч бир айби бўлмасдан чақувлар, имзосиз хатлар, турли шакллдаги ғаламисликлар, ҳасад ва ғаразлар қурбони бўлган инсонларнинг шўр тақдирини енгиллаштиришга ҳам уринмаганлар. Ҳолбуки, анжуман қатнашчилари сал жўръатлироқ бўлиб, ўз фикрларини дадиллик билан айтсалар эди, гуноҳсиз кишилардан кўпчилигининг қисмати бироз енгиллашган, уйдирма ва туҳматлар асосида тайёрланган “иш”лари қайта кўрилиб, тириклари қамоқ ва сургунлардан эртароқ озодликка чиққан, марҳумларнинг йиллар давомида “халқ душмани”нинг уруғи деган лаънат тамғасини ортмоқлаб, елка қисиб, таъна-ю дашномлар азобини чекиб юрган ота-оналар, қариндош-уруғлари, турмуш ўртоқлари ва фарзандлари енгил нафас олган, элга қўшилган бўларди. Айниқса, адабиётимиз ва маданиятимиз сардорлари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Зиё Саид, Элбек сингари зотларнинг пок номи ва инсоний шаъни анча илгари оқланиб, уларнинг бебаҳо бадиий мероси халқимиз қўлига ярим аср муқаддам тегарди.

Съезднинг ўртамиёна ва мужмал, аниқроғи, хўжакўрсинга ўтишининг бошқа битта — айтсанг тилни, айтмасанг дилни куйдирадиган сабаби ҳам бор эди, делегатлар орасида ўз истеъдодли ҳамкасбларига, сафдошларига, тенгдошларига чоҳ қазиган ва уларнинг қулаб тушишини томоша қилиб, роҳатланган, энди эса уларнинг оқланиши қанақа оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиб, юрак ҳовучлаб турган бир тўда кимсалар ҳам бор эдики, гап ошкораликка кўчса, улар учун бу залгина эмас, ер юзи ҳам торлик қилиб қолиш эҳтимоли йўқ эмасди.

Шу сингари қатор сабаблар туфайли қулай имконият қўлдан бой берилди. Никита Хрушчев лавозимидан кетгандан сўнг, кўп ўтмай янги раҳбарлар ҳаётни ва сиёсатни бир қадар эски изига қайтардилар, оқланган ва оқланмаган миллатпарварлар, илғор фикрли зиёлиларнинг номи яна тақиқлар рўйхатига тушди, уларнинг номини тилга олиш маън этилди, асарларини чоп этиш масаласи кун тартибидан ўчирилди. Шунинг оқибатида Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон сингари буюк сиймоларнинг асарлари, фақатгина, мустақилликка эришганимиздан сўнггина дунё юзини кўрди ва юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланди.

Ҳа, миллий истиқлолимиз халқимизни озодлик ва ҳуррият бахтига мушарраф этиш баробарида, яқин ўтмишдаги авлодларнинг хатосини тузатиб қолмасдан, уларнинг гуноҳини ювгани, унут номларни халқимизга қайтариб бергани билан ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Бахтиёр РИЗО

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Аълочиларга вилоят ҳокими стипендияси

Давлатимиз томонидан ёшларга катта эътибор берилаётгани бугун ҳаммага маълум. Мана шу эътиборни, иқтидорли ёшларга билдирилаётган ишончни яқинда Бухоро вилояти ҳокими қабул қилган қарорлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Вилоят ҳокимининг 2000 йил 7 мартдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун вилоят ҳокимининг стипендиясини таъсис этиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 12 августдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида вилоят ҳокими стипендиясига танлов ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган эди. Мана шу қарорлар талабларини бажариш, вилоятда ўқувчи-ёшларнинг илм-фан ва ижодкорликка бўлган интилишларини рағбатлантириш, уларнинг ўқишдаги муваффақиятларини қўллаб-қувватлаш учун бу стипендияга 2008-2009 ўқув йилида вилоятдаги мактабларнинг 20 нафар ўқувчиси ғолиб деб топилди. Аълочи ўқувчи-ёшларнинг моддий жиҳатдан вилоят ҳокимлиги томонидан бундай қўллаб-қувватланиши албатта ўз мевасини беради. Чунки бу юксак эътибор қобилиятли, ўқиш-ўрганишга иштиёқманд ўқувчиларни илм-фан сирларини янада пухта эгаллашга, она-Ватаннинг муносиб ўғил-қизи бўлиб вояга етишга даъват этади.

BUXORONOMA
Vatan - sajdagoh kabi muqaddas
Бухоронома

Моҳигул НАЗАРОВА
«Бухоронома»,
20.08.2008

Дабдабабозлик кимга керак?

...Бугунги кунга келиб енгил-елпи йўл билан бойиб олган баъзи бир бойваччалар қадриятимиз саналмиш тўйларимизни гўё шоуга айлантириб юборишаяптики, бу албатта, миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга доғ бўлиб тушмоқда.

«Мен сендан қоламанми?» қабилида ҳафталаб тўй ўтказаётган одамларни кўриб, эшитиб қоламиз. Бундай одамларга боласининг бахти керакми ёки сохта шон-шуҳратми? Муқаддас динимиз ҳам, миллий қадриятларимиз ҳам, бугунги қонунчилигимиз ҳам ортиқча дабдаба, бехуда сарф-харажатларни ёқламайди.

Ижтимоий-сиёсий газета
Жиззах овози

Бундай маросимларни ўтказишга қурби етадиганлар бор, ўтказа олмайдиганлар ҳам бор. Иқтисодий ҳимояга муҳтож оилалар бундай тадбирларни қандай ўтказишади? Қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, оқсоқоллари бу ишга бефарқ қарашаяпти. Уй эгаларининг оиласи, болаларининг ризқини қийиб, йиллаб йиққан пулини бир соатлик маросимга сарфлаш адолатданми? Унинг ўрнига тўйларни ихчамлаштириб, янги оила қураётган келин-куёвларга уй жиҳозлари, рўзғор буюмлари олиб берилса яхши бўлади-ку? «Гандумтош» қишлоқ фуқаролар йиғинида келин-куёв никоҳдан ўтгандан сўнг, бирор бир ресторанда уни шарафлаш одат тусини олганлиги кўпчиликни ташвишга солаяпти.

Келин-куёвларнинг никоҳларини расмий равишда қайд этиш учун уларнинг бир дугонаси ва дўсти бўлса кифоя, деб доим таъкидлаймиз. Аммо, ота-оналар ушбу маросим ёшлар ёдида бир умр қолсин деб 15-20 тагача «Ласетти», «Нексия»лардан фойдаланишаяпти. Бу кимга фойдаю, кимга зиён?

Мунира КАРИМОВА
“Жиззах овози”,
26.07.2008.

Хакерлар жиноят субъекти сифатида

«Хакерлар» атамаси ҳозирги кунда компьютер техникасидан рухсатсиз фойдаланувчилар учун қўлланмоқда. Энг замонавий луғатларга мурожаат қиладиган бўлсак, «хакер» инглизча «to hack» сўзидан олинган бўлиб, муваффақиятли бошқармоқ маъносини беради.

Шунингдек, бу ғоят моҳир ҳамда қизиқувчан дастурчи, компьютердан фойдаланувчи жиноятларни ёки шунга ўхшаш таърифга ҳам дуч келамиз. Хакерларни хилма-хил турларга ажратиш мумкин. «Компьютер қароқчилари», «Электрон жосуслар» ёки «электрон ўғрилар» шулар жумласидандир. Умуман олганда буларнинг барини бир сўз билан «хакерлар» деб номловчилар кўпчиликни ташкил этади. Хакерлар турларига алоҳида тўхталадиган бўлсак, биз уларни қуйидагича гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

XORAZM YOSHLARI

1. «Қароқчилар» — компьютер маълумотлари тизимига кириш билангина чекланиб қолувчи маҳоратсиз ва тажрибасиз гуруҳлар;

2. «Броузерлар» — ушбу гуруҳ вакиллари замонавий технологиялар билан қуролланган бўлиб, ўзгаларнинг файлларига рухсатсиз кириш имкониятига эгалар. Улар муаллифлик ҳуқуқини бузиб, файллардан фойдаланишлари мумкин, аммо уларга зарар етказмайдилар;

3. «Крекерлар» — замонавий техника воситаларидан юқори даражада фойдалана оладиган хавфли кибер жиноятчилар. Улар содир этган қилмишлар одатда катта миқдорда зарар етказади. Крекерлар файлларни нусхалашдан тортиб дастур ва тизимларни йўқ қилиб юборишгача, барча-барчасини амалга ошира оладилар.

Интерпол маълумотларига кўра, ҳар йили АҚШ ҳарбий компьютерларида рус хакерларининг бир неча минг ҳужумлари қайд этилади.

Дилмурод ҲУСАИНОВ,
Зайнаб КАРИМОВА
“Хоразм ёшлари”
20.08.2008

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

«Аййомнома босма бўлиб чиқти»

Туркистон генерал губернаторини фармойишлари билан Шоҳмурод Иброҳимов таркиб айлаган аййомнома (календар, тақвим) Тошканд шаҳрида босма бўлиб чиқти ва ул аййомномада ой, кунларни ҳисоби ва подшоҳларни исми ва баъзи касалларга даркорлик дорулар ва пўчтахонаға хат солмоқ тариқаси ва араблар афсонаси ва ўзга нимарсалар ҳам мазкурдир ва ўшал аййомномани баҳоси эллик тин кумушдир. Ушбу аййомнома газет босма бўлиб чиқадурғон ридақсия маҳкамасида сотиладур.

“Туркистон вилоятининг газети”
1872 йил, 13 ғинвор
Нашрга тайёрловчи: Эргаш УМАР

ТАБРИК

Акциядорлик тижорат
“ПАХТА БАНК”

ҳамюртларимизни, ўз акциядорлари ва мижозларини Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ айёмда Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз.



“Пахта Банк” — фаровонлигингиз калитидир!







“ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ”

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан чин қалбдан самимий табриклайди.

Халқимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, оилавий бахт ёр бўлсин.

Истиқлол айёми муборак, азиз дўстлар!

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



мамлакатимиз халқини буюк шодиёна — Мустақилликнинг 17 йиллик байрами билан чин юракдан табриклайди. Барчага тинчлик, бахт-саодат ва азиз диёримиз равнақи, фаровонлиги ҳамда гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган ишларида муваффақиятлар тилайди.



Байрамингиз муборак бўлсин, дўстлар!

«ЎЗТРАНСГАЗ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди. Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишлар, яратувчанлик ҳар биримизга мададкор бўлсин.



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ҚУТЛОВ

Очиқ акциядорлик-тижорат

TURON BANK

жамоаси





Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини юртимиз истиқлолининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тараққиёти йўлидаги барча эзгу ишларимизга муваффақият ёр бўлсин!

ТИЛАК







Самарқанд вилояти Наркология диспансери, Самарқанд вилояти Тери-таносил касалликлари диспансери, Стоматология поликлиникаси, вилоят Қон қўйиш маркази, Каттақўрғон шаҳар ҳамда Оқдарё, Ургут, Пайлоқ туманларининг тиббиёт бирлашмалари жамоалари

мамлакатимиз халқини
Истиқлолнинг 17 йиллиги
билан муборакбод этади.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга

бахт-саодат,

сиҳат-

саломатлик

тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

жаннатмонанд Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва фидойи халқини энг улуғ байрам — Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан қизғин қутлайди.

Халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада гуллаб- яшнаши, фаровон бўлишига тилакдошмиз.



“МИКРОКРЕДИТБАНК” – кичик бизнес мададкори

Шаклланаётган мулкдорлар ҳисобига кенг кўламга эга бўлиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги яратувчилик иқтисодиётга катта улуш қўша бошлади. Жаҳонга юз тутган Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳа етакчи кучга айланиб боряпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг тараққиётига давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Ҳозирги кунда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45 фоизни ташкил этмоқда. Мана шу ҳол мамлакатимизда ҳам ўзининг микросармоялари билан якка тартибда фаолият кўрсатадиган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган мижозларни молиявий қўллаб-қувватлайдиган банк ташкил этишни тақозо қилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан мазкур молиявий муассасага асос солинди.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки мамлакатимизда моддий жиҳатдан фаровонлик яратиш, халқ учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш, бу билан республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган акциядорлик-тижорат банкидир.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўз мақсадларига босқичма-босқич эришиб бормоқда. Аввало шуни айтиш керакки, банк молия бозорида етакчи ўринларни эгаллаш мақсадида капиталари, активлари ҳажмини ва рентабеллик даражасини оширишга ҳаракат қилмоқда. Мана шу саъй-ҳаракатлар банк фаолияти рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлаяпти.

Банк томонидан аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан олиб борилган иқтисодий сиёсат туфайли кредитлаш ва тижорат фаолиятида кўзланган натижалар қўлга киритилди ва юқори даромадлилик даражаси таъминланиб, жами капитал ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробарга ошди ёки 76,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Ўтган — 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни эркинлаштириш ва рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу даврда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолият барқарорлаштирилди. Тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш, лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва бу борадаги ортиқча ташвишлар бартараф этилди. Шунингдек, турли чекловлар, солиқ ва жарималар камайтирилди, баъзи ҳолларда бутунлай бекор қилинди. Бу билан “Микрокредитбанк”нинг яна ҳам кенгроқ кўламда иш олиб борилишига шароит вужудга келди. Бу сингари қулайликлар бир зайилда ошиб бораётган мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида халқ учун кўплаб яратилаётган ҳаётий зарур маҳсулотларда ўз натижасини намоён этмоқда.

МАҚСАД — ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган бундай имкониятлар туфайли, аввало, узоқ қишлоқларда кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлмоқдалар. Муҳими, бундай тадбиркорлик натижасида республикамизнинг узоқ ҳудудларидаги мавжуд табиий ресурслар ишга туширилмоқда. Бугунги кунда микросармоя олган хусусий тадбиркор жойларда кўп ва арзон бўлган қўй ва эчкиларнинг юнги, майда ва қорамолларнинг териларидан қимматбаҳо буюмлар тайёрламоқдалар. Лалми ерларда экилган турли ўсимликлардан хуштаъм ва шифобахш мойлар олиниб, эл дастурхонига тортилмоқда. Тадбиркорларимиз эътиборидан ҳатто мамлакатимизнинг турли гўшаларидаги шифобахш булоқ сувлари ҳам четда қолаётгани йўқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ Кегайли туманида касаначилик асосида жаҳон бозорида кўз-кўз қилса арзигулик буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Либослар устаси Замира Каипова ўз ҳунари шарофати билан ногирон қизларни ишга жалб этишга жазм қилди. Кичик корхона очиб микросармоя олди ва бешнафар жисмоний имкониятлари чекланган, аммо чеварликда кўпларни ортда қолдирадиган қизларни танлаб, ишга таклиф этди. Аввалига қизларга ўзбек ва қорақалпоқ халқ кашталарини тикиш бўйича дарс ва амалий машғулотлар ўтказилди. Чеварлар дастлаб устозлари назоратида меҳнат қилиб, ўз маҳоратларини оширдилар. Кейинчалик улар ишни уйда бажарадиган бўлдилар. Чеварлар рўмолларга, кийим-бошларга, дафтар-китоб ва бошқа буюмларнинг ғилофларига, аёлларнинг сумкалари ва ҳамёнларга миллий шаклдаги бетакрор гуллар тикадилар. Уларнинг қўлидан чиққан буюмлар ҳатто бадиий қиммат касб этмоқда. Қизлар тикаётган буюмларга талаб ортиб бораётганининг ўзи касаначиликнинг эртаси умидли эканидан далолат беради.



Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли «Микрокредитбанк» фақатгина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 32,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди ва микролизинг хизматлари кўрсатди.

Денов шаҳрида ташландиқ майдончани таъмирлаб ташкил этилган “Биносоз Уста Олим” масъулияти чекланган жамият цех очди ва бу ерда қурилиш материаллари билан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарила бошланди. Беш миллион сўмлик микрокредит ҳисобига тайёрланаётган турли рангдаги тунука черепица, оқ тунука, шифер (рефленка) ва шпаклевканинг бозори чаққон, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган челаклар, карнизлар ва белкуракларга талаб катта. Ҳозир бу корхонада дастлабки босқичда 10 иш ўрни яратилди.

“Микрокредитбанк”нинг Жомбой бўлимидан 5 миллион сўм сармоя олган Абдумажид Бўронов ўзининг икки сотих келадиган ҳовлисидаги катакларда 500 товуқни парваришламоқда. Кичик корхона ҳозир эл дастурхонига ҳар куни 400 дона тухум етказиб бераяпти. Тадбиркор тез орада олинган кредитни тўлиқ қайтариб, ишларни алоҳида бинода ташкил этиш ҳаракатига тушиб қолди.

Сурхон воҳасининг чекка туманларидан бири — Сариосиёдаги “Электроавтоматик” кичик корхонаси ҳам 5 миллион сўм микрокредит олиб техникани тушунадиган ёшларни ишга таклиф этган эди. Кичик корхона Россиядаги йирик электротехника заводлари билан алоқа боғлади. Шу кунларда цехда барча турдаги электр моторлари таъмирланмоқда ва ҳатто уларнинг симлари қайта ўралаяпти. “Электроавтоматик” йирик сув ҳайдайдиган насосларнинг моторларига ҳам қайта ҳаёт бағишламоқда. Шу кунларда мазкур кичик корхона бутун вилоятга ўзининг малакали хизматини кўрсатмоқда. Корхонада ўнта иш ўрни яратилди.

Микросармоялар турли эҳтиёжлар ва мақсадлар учун ишлатилмоқда. Тўрақўрғондаги “Сарвиноз Саодат” фермер хўжалигига иссиқхона қуриш учун 9 миллион сўм микрокредит берилган эди. Хўжалик бугунги кунда йилнинг барча фаслларида аҳолини янги узилган мева ва сабзавотлар билан таъминлаш борасида эътиборга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Иссиқхона фойдаланишга топширилиши билан 6 та янги иш ўрни яратилди. Наманган шаҳридаги “Юсуфжон Маҳмудахон” хусусий корхонаси ҳам банкдан озиқ-овқат савдоси билан шуғулланиш учун 9 миллион сўм сармоя олган эди. Корхона раҳбарлари ўзларининг хизматлари билан эл дастурхонининг тўкин-сочинлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Қарши шаҳридаги “Ерқўрғонсавдо” ишлаб чиқариш корхонаси “Микрокредитбанк”дан сармоялар олиб Хитойдан целлофан қопчалар тайёрлайдиган машиналарни олиб келди. Цехдаги учта станокнинг биттаси пластмасса доначаларидан целлофан ўрамини тайёрлайди, иккинчиси ундан қоп ясайди, учинчиси эса уларга гул босади. Цехнинг келажагига ишонса бўлади. Чунки хомашё — пластмасса доначалари шу вилоятдаги Шўртангаз кимё мажмуасида тайёрланади. Ҳозирнинг ўзида цехдан чиқаётган, чиройли гуллар билан безатилган қопчаларга Қашқадарё билан биргаликда Бухоро ва Навоий вилоятларидан ҳам буюртмалар олинмоқда.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР

Навоий вилояти Нурота тумани “Тўмарис” фермер хўжалиги раҳбари Фотима Ниғматова банк кредити ҳисобидан чорвачилик, деҳқончиликни йўлга қўйиш билан биргаликда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этди. Шу туманда касаначиликни бошлаган Дилором Эшова банкдан микрокредит олиб, Нурота каштачилиги довруғини бутун дунёга таратишга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида келтирилаётган мисолларга эътибор берган бўлсангиз, тадбиркорликнинг пойдор ва ишончли тармоқларини яратган тадбиркорларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир. Шуни айтиш лозимки, ташкил этилаётган кўплаб гўзаллик салонлари, модалар ательелари, қандолатчилик ва гиламдўзлик цехлари хотин-қизларнинг бетакрор ҳунари ва хизматлари туфайли фаолият кўрсатмоқда. Масалан банк шу йилнинг биринчи ярмида 3257 нафар аёл тадбиркорларга 6,6 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди, жорий йилнинг биринчи ярми учун белгиланган прогноз кўрсаткичи 117,0 фоизга бажарилди ва 8670 та иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳам бутунлай янгича шакл ва тамойиллар билан ишлай бошлади. Ўзини оқлай олмаган илгариги ширкат хўжаликлари ўрнида ерга эгаликни ўз зиммаларига олган фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Ҳозир фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадор кучга айланган. Республикамизда 215 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари бўлса, уларнинг 32300 таси шу банкнинг мижозларидир.

Ўтган йилни банк-молия соҳасидаги ислоҳотлар бирмунча чуқурлашган ва такомиллашган давр сифатида тасаввур этиш мумкин. Президентимизнинг ташаббуси билан банк сири тўғрисида, омонат жамғармаларининг дахлсизлиги ҳақида, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш борасида аниқ ва замонавий қонун-қоидалар жорий этилдики, бунинг натижасида халқнинг банкка бўлган ишончи ошмоқда. Республикамизда фаолият юритаётган банклар устав капиталининг 2 баробар ошгани ва 2006 йилга нисбатан 40 фоизга кўпайиб 1,5 триллион сўмга етганида бу сингари узоқни кўзлаб амалга оширилган тадбирларнинг муносиб ҳиссаси бор.

2008 йилда «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни сармоялаш бўйича Дастур асосида ишлар олиб борилди. Унга асосан жорий йилнинг I ярми давомида тадбиркорлик субъектларига 20,4 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатиш белгиланган эди. Ушбу кўрсаткич амалда 32,2 миллиард сўмни ташкил этди ва Дастур ижроси 157,6 фоизга бажарилди. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 69 фоизга ўсди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ажратилаётган микросармоялар фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-техник базасини шакллантиришга, айниқса, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига имтиёзли микролизинг хизматларининг кўрсатилиши уларнинг ўз техникаларига эга бўлиш имкониятларини яратмоқда.

Ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 27 373 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни меҳнатга жалб қилиш мақсадида 2 284 кам таъминланган оилага чорва моллари сотиб олиш учун 2,4 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

ЁШЛАРГА МИКРОСАРМОЯЛАР

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ва Ёшлар йили Дастурини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида узоқ қишлоқ жойлардаги ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш асосий вазифа қилиб белгилаб олинди.

Биргина мисол, Сурхондарё вилоятининг чекка туманларидан бири – Узун туманида фаолият олиб бораётган хусусий тадбиркор Шерзод Раҳматов ҳам ёш оилавий тадбиркор. У ўз фаолиятини бир-биридан чиройли ва бежирим мебеллар ясашга қаратди.

– Шундай ҳунарлар борки, одамни ўзига оҳанрабодек тортади, – дейди Ш.Раҳматов. – Ёшлигимдан дурадгорликка иштиёқим баланд эди. Шу туфайли мактабни битирганимдан кейин ҳеч иккиланиб ўтирмай ишлари билан мени ҳайратга соладиган устага шогирдликка тушдим. Дурадгорлик сирларини анчагина эгаллаганимдан кейин мебеллар ясашга иштиёқ уйғонди. Мени ўзимизнинг туманда ҳам чиройли мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйсам, деган хаёл тинч қўймайдиган бўлиб қолди.

Ҳунарни эгаллагач, Шерзод ҳамкорлик қилиш учун «Микрокредитбанк»нинг Узун тумани филиалига мурожаат қилди. У ўз ҳовлисида ишни ташкил этди. Бошланишига бир-икки хил мебеллар савдога чиқарилди. Кейинчалик цехга буюртмалар туша бошлади. Чунки тадбиркор тайёрлаётган мебелларнинг маҳаллий шароитга мослиги, безакларининг аҳолининг дидига тўғри келиши муваффақият омили бўлди. Кўпгина янги турладиган ҳужжатларни тайёрлаш ва бизнес режаларини тузиш бўйича амалий кўмак ҳам бериб борилади.

ТАНЛОВЛАР – МАҲОРАТ МАКТАБИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан биргаликда “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик кўламини кенгайтириш борасидаги ташкилий ишлари ҳам диққатга сазовордир. Банк касб-ҳунари, илм ва маҳорати бўлганларни, шунингдек, коллежларнинг билимдон битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда аввало семинарлар ўтказиш, мижозларни ўқитиш тадбиридан фойдаланди. Бу мулоқотларда сармоялардан унумли ва самарали фойдаланиш сирлари ўргатилди. Кейинчалик тадбиркорликнинг турли соҳалари бўйича конкурслар ўтказила бошланди. Бундай конкурс ва семинарларда энг фойдали ва эл учун катта манфаат келтирадиган лойиҳалар ва уларни қандай яратиш йўллари тарғиб ва ташвиқ қилинди. Яратувчилик ва тадбиркорлик борасида республикамизда энг яхши ютуқларни қўлга киритган мижозларнинг ишлари таҳлил этилди. Республикамиз туманларида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган “Тадбиркорлик – давр талаби“ мавзусидаги семинарлар ҳам шундай тадбирлардан бўлди.

Банк жамоаси Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан республика тадбиркорлари ўртасида “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа” кўрик-танловини ташкил қилди. Танлов барча туманлар ва вилоятларда ўтказилиб, ғолиблар аниқланди ва уларнинг амалга оширган ишлари кўриб чиқилди, оммалаштирилди ҳамда муносиб тақдирланди. Шу кунларда ҳам банк “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан уюштирган “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” кўрик-танловининг вилоятлардаги босқичлари якунланмоқда. Бу танлов ёш тадбиркорларнинг эл фаровонлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишларини оммалаштирмоқда.

Йил бошидан буён кичик бизнес ва микросармоялаш ишини такомиллаштириш борасида Тошкент вилоятининг Паркент туманида ва Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Шундай тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Сурхондарё вилоятида ҳам ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Бухоро ва Навоий вилоятларининг энг чекка туманларида ўтказилган семинарларда 80 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи талабаларига тадбиркорлик учун бошланғич сармоя олиш ҳуқуқини берадиган имтиёзли сертификатлар топширилди.

“Ёшлар йили” Давлат дастури ижроси юзасидан коллеж битирувчиларига имтиёзли равишда ажратилган микрокредитлар миқдори 389,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш тадбиркорлик учун йилдан-йилга яхшироқ имкониятлар яратмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш тадбирларини амалга ошира бориш барқарор ўсиш суръатларини таъминламоқда. Бир сўз билан айтганда, “Микрокредитбанк” ўз сармояларини эл фаровонлиги ва тараққиёти учун йўналтириб, иқтисодий ислоҳотларга ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Шукрулло УМУРОВ,
Банк бошқаруви раисининг ўринбосари. ®

ҚУТЛОВ



“ҚАРШИ ҚУРИЛИШГАЗ” ОАЖ ЖАМОАСИ

республикамиз мустақиллигининг 17 йиллиги шодиёнаси билан барча ватандошларимизни қизғин муборакбод этади.
Юртимизда тинчлик, хонадонларда тотувлик, қалбларимизда осойишталик доимо барқарор бўлсин.
Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва келажакка умид туйғулари асло тарк этмасин!



“УРГАНЧ ЖАНУБ ГАЗҚУРИЛИШ” ОАЖ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
Энг азиз ва энг улуғ байрам –
Истиқлолнинг 17 йиллиги
билан самимий табриклайди.
Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги обрў-нуфузи янада юксакроқ бўлишига тилакдошимиз.
Жорий йилда ҳам халқимиз юксак марраларга эришсин.
Аллоҳ назари тушган она Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида осойишталик, тўй-тантаналар бўлаверсин, кўпаяверсин.

17 YIL

Урганч шаҳридаги Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи
жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
Энг улуғ ва энг азиз айём —
Мустақиллик куни билан қутлайди.
Истиқлол шарофати билан яшнаётган
юртимиз шону шавкати юксалаверсин.



"САНОАТҚУРИЛИШБАНК"НИНГ НАВОИЙ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ
жамоаси

халқимизни Мустақиллик байрами билан табриклайди.

Ватанимизни дунёга танитган, ўзлигимизни қайтариб берган энг улуғ саодат — Истиқлолимиз барчамизга қутлуғ бўлсин.

Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган 40-сонли "Парвоз" гимназияси жамоаси

мустақил юртимизнинг болажон элини, келгуси авлодларнинг бахтиёр келажагини яратаётган бунёдкор халқимизни

Мустақиллик байрами

билан чин дилдан табриклайди.
Осмонимиз ҳамиша беғубор бўлсин,
буюк орзу-ниятларимиз рўёбга чиқаверсин!



А.Т. ТИФ
"МИЛЛИЙ БАНК"
Вобкент филиали

улуғ айём –
Мустақилликнинг
17 йиллиги билан
табриклайди.

Барчага
омад,
бахт-иқбол
тилаймиз!

А.Т „Саноатқурилишбанк"нинг
Бухоро минтақавий филиали
жамоаси

жонажон Ўзбекистонимиз халқини, барча банк ходимларини ҳамда ўз мижозларини Истиқлолимизнинг 17 йиллик тўйи билан самимий мубораквод этади. Юртимиз тинч, осмонимиз ёруғ бўлсин. Эзгу орзу-ниятларимиз ушалаверсин.

"ШОФИРКОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КИМЁ"
ҳиссадорлик жамияти
жамоаси

эзгу тилакларимиз Сизларга, азизлар. Ҳуррият шамоллари абадий эсиб турсин. Байрам шукуҳи дилларимизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

Акциядорлик-тижорат "Ғаллабанк"нинг Вобкент филиали жамоаси



Қадрли ватандошлар!
Фаровон ҳаёт, эл-юртимиз равнақи, тинч-тотувлиги йўлидаги эзгу ишларингизда самара тилаймиз.

А.Т.Б "Пахта банк" Ғиждувон филиали аҳли

Мустақиллик байрами билан барча юртдошларимизни қутлайди. Ёруғ ниятларимиз барчамизга эш бўлсин!

Фарғона вилоят Тошлоқ туманидаги "Камрах" фермер хўжалиги жамоаси

жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг азиз халқини Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлайди. Хуш кайфият, омад ва саодат ҳар биримизга йўлдош бўлсин.

Бойсун туман 256-хўжаликлараро механизациялашган қурилиш корхонаси масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни истиқлолимизнинг муборак 17 йиллик байрами муносабати билан табриклайди. Мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларингизда омад ва зафарлар тилаймиз.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар!

Урганч шаҳридаги **"ИСМОИЛ ЎҒЛИ АРСЛОН"** хусусий фирмаси аҳли

Ватандошларимизни Истиқлолнинг 17 йиллиги билан табриклайди. Мустақиллик — энг буюк неъмат, улкан саодат. Бу бахт халқимизни ҳеч қачон тарк этмасин.



Ватанимиз мустақиллининг 17 йиллиги байрами билан бунёдкор элимизни қизғин қутлаймиз. Тинчлик ва омонлик ҳамиша ёр бўлсин. Хонадонларимиз нурга, дастурхонларимиз файзу барокатга тўлиқ бўлсин.

Фарғона вилоят юқумли касалликлари шифохонаси жамоаси



"Олот қишлоқ хўжалик кимё" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг

17 йиллиги

билан қутлайди.

■ ФАОЛИЯТ

Аҳоли саломатлиги — бош вазифа

Соғлом авлодни вояга етказиш масаласи жамиятдаги ҳар-бир соҳа ходимларининг вазифасидир. Бу, аввало, таълим-тарбия муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Давлат санитария ва эпидемиология назорат маркази ходимлари ҳам шулар жумласидан. Эпидемиологик хавф бўлмаган, юқумли касалликлар илдиз отмаган шаҳар ва қишлоқларда, санитария ҳолати юқори даражада бўлган, тоза ва обод юртдагина соғлом авлодни вояга етказиш осон кечади. Бунинг учун мутасадди соҳа ходимлари билан бир қаторда юртимизда яшаётган ҳар бир инсон бир ёқадан бош чиқариб фидойилик билан меҳнат қилмоғи зарур.

Навоий вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорат марказидан томонидан ҳам бу борада қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Маълумки, Навоий вилояти кўшни Қозоғистон давлати билан чегарадош бўлиб, эпидемиологик хавф юқори бўлган ҳудудлардан саналади. Шу боис вилоятдаги барча туманларда белгиланган режа асосида фаолият олиб борилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Хатирчи туман санитария ва эпидемиология назорат маркази томонидан бошқаларга ибрат бўлгулик ишлар амалга оширилди. Муассасага Лайло Ҳожиева бош шифокор этиб тайинлангандан сўнг, ишлар янада олға силжиди.

— 2006 йилгача Хатирчи туман давлат санитария ва эпидемиология назорат марказидаги аҳвол бизнинг энг оғриқли нуқталаримиздан бири эди, – дейди Навоий вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорат маркази бош врачи Ғофур Умаров. — Туманда юзага келган аҳволни инобатга олган ҳолда, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида кўп йилларда буён бирга ишлаб келаётган ходимимиз Л.Ҳожиевани Хатирчи туманига бош шифокор этиб тайинладик. Шуни қувонч билан таъкидлашим мумкинки, Лолахон бошчилигида қисқа вақт ичидаёқ бу ерда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Муассаса биноси эскириб, лаборатория ва омборхоналарда антисанитария ҳолатлари юзага келиб қолган эди. Маъмурий бино қайта таъмирланди. Янги компьютер ва факс аппаратлари, стол-стул ва иш жиҳозлари сотиб олинди. Асосий муаммолардан яна бири муассасадаги 50 нафар ўрта тиббиёт ходимларининг 89 фоизини санитария-эпидемиология мутахассислигига эга бўлмаган ҳамширалар ташкил этар эди. Бунга асосий сабаб — Навоий вилоятидаги тиббиёт коллежларида санитария ва эпидемиология мутахассислари тайёрлаш бўлимларининг йўқлигидир. Қисқа кунларда малакаси бўлмаган ўрта тиббиёт ходимлари учун мутахассислик бўйича 3 ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорлик асосида тумандаги санитария ва эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш борасидаги ишлар бошлаб юборилди.

Маълумки, Хатирчи тумани тоғолди ҳудудида жойлашган бўлиб, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Аҳоли яшаш масканлари бир томондан даштадирларга, иккинчи томондан Зарафшон дарёси қирғоқларига туташиб кетади. Қишлоқ хўжалигида Зарафшон дарёсидан келувчи ТОСС, Шавот каналлари ва бир неча ариқлар сувидан фойдаланилади. Туманнинг асосий қисмини ҳар хил кемирувчилар кўп бўлган тоғолди дашт ерлар ташкил қилади. Бу кемирувчилар орасида қутуриш касаллигининг қайд этилиши туманда эпидемик вазиятнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин. Дарё ва канал сувларининг қўшни вилоятлардан ўта ифлосланган ҳолда оқиб келиши юқумли ичак касалликлари юзага келишига сабаб бўлади.

Айниқса, ёз фаслида санитария ва эпидемиологик ҳолатлар ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида туман ички ишлар бўлими, туман коммунал хўжалик бўлими, туман ветеринария хизмати ва маҳаллалар ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир хонадонда сақланаётган ит, йирик ва майда шохли молларни қайта эмлаш, паспортлаштириш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Туманда молларни сўйишдан олдин ва кейин ветеринария кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Лойиҳа асосида 1 та қушхона қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда туманда 8 та мол сўйиш шохобчаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, бозорларда гўшт ва сут маҳсулотларини сотиш учун санитария талабларига жавоб берадиган павильонлар қурилди.

Тумандаги таълим муассасаларида санитария ва гигиена, шунингдек, эпидемияга қарши кураш мавзусидаги тадбирлар доимий равишда ўтказиб борилмоқда. Мактаблардаги озиқ-овқат билан савдо қилувчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти билан шуғулланувчи муассасалар талаб даражасига келтирилиб, санитария назорати рухсати билан фаолият юритишига эришилди.

Тумандаги мавжуд бозорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Марказий деҳқон бозорида сут ва гўшт маҳсулотлари учун савдо расталари қуриб битказилди. Бозор атрофидаги барча савдо шохобчалари, гўшт дўконлари ва ошхоналарда капитал таъмирлаш ишлари ўтказилди. Деҳқончилик маҳсулотлари учун қўшимча савдо расталари қурилиши давом эттирилмоқда.

— Жамоамизда ҳаммаси бўлиб 87 нафар ходим ишлайди. 15 нафар врачнинг 10 нафари олий тоифали, 2 нафари 1 тоифали шифокор ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида республика текширишларни мувофиқлаштириш комиссиясининг режаси асосида 17 та, ҳудудий комиссия рухсати билан 2 та қисқа муддатли, туман ҳудудий комиссияси рухсати билан 21 та хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказилди. 40 нафар жавобгар шахсга нисбатан 2 миллион 136 минг 465 сўм миқдорида жарима қўлланилди. 17 та корхонанинг фаолияти вақтинча тўхтатилди. Ўз вазифасига масъулият билан ёндашмаган 4 нафар ходим вазифасидан озод этилди. Текширишлар самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди. Барча текширишлар қонун доирасида ўтказилганлиги боис тадбиркорлар томонидан ариза ва шикоятлар тушмади. Шу билан бир қаторда, текширишларни қисқартириб, тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишлари ўтказишга кўпроқ аҳамият қаратяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда Лайло опа Ҳожиева.

Туман аҳолиси ўртасида кейинги саккиз йилда салмонеллёз, гепатит Е, бўғма, қизамиқ, микроспария каби юқумли касалликлар кузатилмагани, ич терлама, ўткир диарея, ички инфекция каби ўткир юқумли касалликларнинг кескин камайишига эришилганининг ўзиёқ, соҳада олиб борилаётган ишларнинг салмоғидан дарак бериб турибди.

Азамат САФАРОВ ®

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ЖАР-АЁН

Манипулятор:
ўйлайди, гапиради... бажармайди

Асраган қизнинг кўзига чўп тушади.
Халқ мақоли.

Ҳеч бир давлат, халқ йўққи, у қачондир турли ёвуз ғоялар ва ахборот хуружи гирдобида қолмаган бўлсин. Иродаси мустаҳкам, сиёсий саводхонлиги юқори бўлган халқ, кучли ижтимоий сиёсат юритаётган ҳукуматгина синовларни осонлик билан енгиб ўтиши мумкин.

Манипуляция лотинча *"manipulatio"* сўзидан олинган бўлиб, *"қўл"*, *"кафт"*, *"ҳовуч"* каби маъноларни билдиради. Манипуляция гирдобида қолган омма кафтда турган думалоқ тошни эслатади. Шундай экан, *манипуляция* истилоҳини жамоатчилик фикрини бошқаришнинг айёрона усуллари, деб тушуниш мумкин. Манипулятор эса бу усуллардан мунтазам равишда оқилона фойдаланувчи шахс. Айрим мутахассислар уларни мажозий маънода циркдаги ҳайвон ўйнатувчи ёки кўз бойлоқчи сеҳргарга ўхшатишади.

Одатда манипуляция сўзи салбий маънода тушунилади. Масалан, баъзи сиёсий арбоблар ўз мақсадларини амалга ошириш ниятида турли йўллар билан оммага таъсир этишга уринади. Ўз мақсадининг энг тўғри йўл эканига, у фаровон турмуш сари етаклашига аҳолини ишонтириш учун ҳаракат қилади. "Ҳаддидан ошган манипуляция очиқдан-очиқ ваҳшийлик тусини олади", дейди сиёсатшунос А.Цуладзе. Унинг айтишича, жамоатчилик фикрини бошқариш қўл остидагиларининг миясини ишлатишга ҳожат қолдирмайди. Бу кишиларни манқуртга айлантириб қўйиш билан баробар демакдир. Россиялик ёзувчи Александр Ткаченконинг фикрига кўра, манипуляция кишиларнинг онгига маълум ғояларни мажбурий-ихтиёрий сингдириш, сездирмаган ҳолда бирор ишни қилишга мажбурлашдир.

Психология фанлари доктори Владимир Столин мазкур жараённи шундай изоҳлайди: "Жамоатчилик фикрини бошқаришга уринаётган шахс ёхуд шахслар гуруҳи омманинг "психологик нуқтаси"га таъсир ўтказади. Ва "Мен сендан пул олишни истамаяпман, сен эса уни менга беришни жуда хоҳлаяпсан" қабилида ҳаракат қилади". Психология фанлари номзоди Наталия Самоукина эса бу борада шундай дейди: "Манипулятор одатдагидай ўйлайди ва гапиради, бироқ айтганларини эмас, умуман бошқа амалларни бажаради. Оммага таъсир ўтказиш ҳаракатида бўлган киши жамоатчиликнинг ёрдамисиз ўз мақсадларини ҳаётга ҳеч қачон татбиқ эта олмайди". Шундай экан, алданиб қолмаслик омманинг ўз қўлида.

Жамоатчилик фикрини бошқариш эса икки кўринишда бўлиши мумкин:

1. Омма фикрига яширин тарзда таъсир ўтказиш усули одатда инсоннинг шахсий эркинлиги кафолатланиши, бу хусусдаги бандлар мамлакат конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилишидан бошланади. Мамлакат ҳаётидаги ҳар бир ижобий ўзгариш, янгиланиш оммавий ахборот воситаларида ўзига хос таҳлиллар билан тарғиб этиб борилади. Жараёнларни жиловлаб олиш учун анча вақт талаб этилса-да, бу тинч усул мамлакатни ривожлантиришга олиб келиши ҳам мумкин.

2. Омма фикрига очиқдан-очиқ тажовуз қилиш усулида фуқаро айтарлик даражада шахсий ҳуқуқларга эга бўлмайди. Шунингдек, унинг мавжуд ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам ҳукумат ҳамда бошқа масъул идоралар томонидан тўлиқ ҳимоя қилинмайди. Бундай вазиятлар ҳарбий тартиб ўрнатилган ёхуд уруш ҳаракатлари содир бўлаётган ўлкаларда кўпроқ кузатилади. Демак, жамоатчилик фикрига очиқчасига таъсир ўтказиш бу — урушдир.

Ҳар қандай уруш очиқдан-очиқ тажовузни вужудга келтиради. Кўпчилик ҳолларда уруш жараёнидаги воқеа-ҳодисалар ҳукмрон жамият томонидан рухсат этилгандагина матбуот ёки телерадио юзини кўради. Бир томонлама ахборот узатиш учун шароит вужудга келса, жамоатчилик фикрига таъсир этиш ҳам бирмунча осонлашади.

Манипуляция замон ва макон танламайди. У хоҳи оддий фуқаро, хоҳ интеллигент инсон бўлсин, манипуляция қурбонига айланиши мумкин. Чунки аудитория бугунги кунда ҳар хил манбалардан ахборотни эркин олиш имкониятига эга. Мушук эса текинга офтобга чиқмайди. Пулини тўлаган мусиқага буюртма беради.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ОАВ инсониятнинг энг зарур кундалик эҳтиёжларидан бирига айланиб қолди. Борган сари газета ва журналларнинг тури кўпайиб, тиражи ошиб бормоқда. Телевидение ва радиода ҳам шундай ҳолат кузатиляпти. Бундан ташқари, ҳаётимизга Интернет — бутун дунё ахборот тизимларини бирлаштирган электрон восита кириб келди. Эндиликда ахборот хуружи ва жамоатчилик фикрини бошқаришга уриниш хавфи тобора кучайиб, тарғибот билан шуғулланиш учун ҳам имконият кенгайиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини бошқаришда бош омил бўлиб ҳисобланиши барчамизга маълум. Бироқ у ўз хусусиятлари билан манипуляцияга ўхшаб кетадиган, лекин жамоатчилик фикрини бошқариш техникасидан тубдан фарқ қиладиган яна бир вазифани бажаради. Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш вазифасини жамоатчилик фикрини бошқариш техникаси билан адаштирмаслик лозим. Чунки кейингиси аксарият ҳолларда салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Манипуляцияга йўл қўйилса, кўплаб фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари оёқ ости қилинади. Юқорида айтилганидек, унинг қурбонига айланиб қолмаслик учун эса мафкуравий иммунитетни кучайтириш, халқнинг сиёсий саводхонлигини ошириш талаб этилади. Қолаверса, халқнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ишончли, холис ахборот билан қондириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

ПОКИСТОНГА БҲУТТО ДАВРИ ҚАЙТАДИМИ?

Покистон давлат раҳбари Парвез Мушаррафнинг истеъфо бериши сабабли бўшаб қолган президентлик лавозимига сайловлар шу йилнинг 6 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Сайловга қисқа муддат қолган бўлсада, коалицион шериклар орасидаги келишмовчилик ўз ечимини топганича йўқ. Собиқ бош вазир Навоз Шариф собиқ президент Парвез Мушарраф томонидан ўтган йили бўшатилган судьялар қайта лавозимига тикланмаса, ўзи етакчилик қилаётган партия — Покистон Мусулмон Бирлигининг коалициядан чиқишини маълум қилди. Президентликка кимнинг келиши масаласи коалицион кучлар учун яна бир муаммо яратмоқда. Покистон халқ партияси аъзоларининг кўпчилиги ўлдирилган собиқ бош вазир Беназир Бҳуттонинг эри Осиф Али Зардорий номзоди тарафдори. Мусулмонлар Бирлиги эса собиқ судья Саид Заман Сиддиқий номзодини кўрсатди. Зардорий партияси Мушарраф суд қилинмаслиги кераклигини илгари сураркан, Навоз Шариф партияси эса Мушарраф Конституцияни бузганлик айби билан судга тортилиши зарурлигини уқтирмоқда.

ЭНГ БОЙ МОНАРХЛАР

Америкининг "Forbes" журнали дунёдаги энг бой монархлар рўйхатини эълон қилди.

Энг юқорида Таиланднинг 80 ёшли қироли Пумипон Адульядет турибди. Унинг бойлигини журнал 35 миллиард АҚШ долларига баҳолаган. Лекин Таиландни аждодлари 600 йилдан бери бошқариб келаётган Пумипон Адульядетнинг бор-буди оддий бизнесмен, дунёнинг энг бой одами Уоррен Баффет (62 миллиард АҚШ доллари) бисотидан анча кам экан. Агар пулни меъёр қилиб олсак, дунёнинг бахтли монархлари рўйхатининг тўртинчи поғонасини Бруней султони Ҳожи Ҳассанал Болкиаҳ 20 миллиард долларлик бойлиги билан эгаллаб турибди. Ундан олдинги ўринларни Абу-Даби шайхи Халифа Бин Зайед ал-Наҳён (23 миллиард) ва Саудия Арабистони подшоҳи Абдулла ибн Абдул Азиз (21 миллиард) забт этган. Юқори бешлик Дубай шайхи Муҳаммед бин Рашид ал-Мактум (18 миллиард доллар) билан якунланади. Европанинг энг бой монархи — Лихтенштейн шаҳзодаси Ганс-Адам II (Prince Hans-Adam II)га эса олтинчи ўрин насиб этди. Унинг бойлиги беш миллиардга боҳаланган.

НАТО ВА РОССИЯ

Россия президенти Дмитрий Медведев НАТО билан ҳамкорликка умуман барҳам беришга тайёрлигини билдирди, дея хабар тарқатди "РИА Новости".

Россиянинг НАТОдаги элчиси Дмитрий Рогозин Москвага маслаҳат учун чақириб олинганди. Президент у билан учрашувда юқоридаги фикрини баён қилган. Медведев Россия Шимолий Атлантика альянсидан эмас, НАТО Россиядан кўпроқ манфаатдор эканига урғу берган. «Агар улар ҳамкорликни тўхтатадиган бўлса, бу биз учун ҳеч қандай муаммо келтириб чиқармайди», деган у.

19 август куни НАТОга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари кенгаши Россия билан алоқаларни қайта кўриб чиқишга қарор қилганди. 21 августдан эътиборан Россия ва НАТО ҳамкорлиги расмий тўхтатилди. Воқеалар ривожи эса Грузия ва Жанубий Осетия можаросидан бошланган эди.

НАМОЙИШЧИЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Ҳиндистоннинг Кашмир штатида полиция ходимлари намойишчиларга қарата ўт очган. Бу ҳақда AFP агентлиги душанба куни хабар тарқатди.

Оқибатда, Кашмир озодлиги тарафдорларидан 1 нафари ҳалок бўлди, 2 нафар намойишчи эса оғир жароҳатланди. Айни пайтда Пульвама шаҳрида ҳам намойишчилар ўққа тутилиб, 1 киши қурбон бўлган, 7 нафар намойишчи яраланган.

Душанба куни Кашмир ҳудудида полициячилар ва намойишчилар орасида бўлиб ўтган тўқнашувларда жами 50 га яқин одам жароҳатланган. Маълумотларга қараганда, 2008 йил июндан бери мусулмон Кашмири ва ҳинд Жаммаси штатларида полиция томонидан 34 мусулмон ва 3 ҳинд ўлдирилди.

ЖЕНШЕН ИЛДИЗИ УЧУН 400 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ

Хитойнинг Цзилинь вилоятида ўтган кимошди савдосида шифобахш женшен ўсимлигининг уч юз йиллик илдизи уч миллион юанга (400 минг АҚШ доллари) сотилди. Чанбайшань тоғидан топилган илдизнинг узунлиги қарийб 1,5 метр, оғирлиги 366 грамм бўлган.



Маълумки, женшен асрлар давомида синалган дори сифатида фойдаланиб келинади. Табобат оламида толиқиш, таносил, ичак ва асаб касалликларини даволаш учун қўлланилади. Ўсимликнинг асосан илдизи ишлатилади.

РАМАЗОН ОЙИДА КЛИП ҚЎЙИЛМАЙДИ

Халқаро мусиқий канал MTVнинг Ўрта Шарқ версияси бўлган MTV Arabia масъуллари Рамазон ойи мобайнида видео клипларни эфирга узатмаслик ҳақида қарорга келишган.

Телеканал раҳбари Самир ал-Марзуқий "Бизда бир ой давомида муқаддас Рамазон ҳурмати учун клип узатилмайди. Унинг ўрнига жиддий шоулар, ҳужжатли фильмлар қўйилади", дея таъкидлаган.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллик байрами билан самимий табриклайди.



Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик ва истиқлолимиз мангу бўлишини тилайди.

Шу билан бирга 27 та миллий ва 17 та хорижий валютада омонат турларини таклиф этади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Омонатларни "АСАКА" банкнинг барча филиалларида очишингиз мумкин.
"Асака" банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Мурожаат учун телефонлар: (371) 120-39-81, 120-39-63.

Хизматлар лицензияланган.

НИГОҲ

МУВОЗАНАТ

Гендер тенглиги оиладан бошланади

Ривоят қилишларича, жаннат мевасини тенг иккига бўлиб еган ўшал дам Ҳақ амри-ла ундан қувилган эмиш Момо Ҳаво ва Ҳазрати Одам... Ўша дам дунёнинг залворли юки ўрин қолдирмайин тенг иккига бўлинган эмиш – ярми Эркакка, ярми Аёлга.

Шундан бери даврлар, қарашлар, сезгилар ўзгарди, албатта. Бироқ ҳали онгимизда «Аёлнинг ҳаётида энг асосий нарса – унинг оиласи», «Эркак киши – оила бошлиғи, оилани таъминлаш керак», деган тушунча, қарашлар мавжуд. Аммо... жамият айни пайтда кимни кўпроқ афзал кўради, ўғил боланими (Эркакними) ёки қиз болани (Аёлни)? Кимга кўпроқ эркинлик берилади? Имкониятлар-чи?

Бу масалада биз Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган «Гендер муносабатлари назарияси ва амалиёти» мактабида таҳсил олиб қайтган ёш журналистларни ҳамда гендер масалалари бўйича мутахассисларни суҳбатга чорладик.

Комила РАҲИМОВА, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожлантириш дастурининг гендер масалалари бўйича мутахассиси:

– Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенглик Ўзбекистон Конституциясининг 18- ва 46-моддаларида қатъий белгилаб қўйилган: «Барча инсонлар ўз ҳақ-ҳуқуқларида эркин ва тенг туғиладилар. Уларга ақл ва виждон берилган ҳамда улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак». Лекин аксарият ҳолларда аёллар ўзларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларни ҳимоя қилиш имкониятлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар. Олимларнинг кузатиши шуни кўрсатадики, олий ўқув юртларига ҳам хотин-қизлардан кўра кўпроқ эркаклар ўқишга кирмоқда. Бунинг асосий сабаби – олий маълумотли бўлган аёлнинг иш топиш имконияти камроқ бўлса, эркакларнинг оила боқувчиси сифатидаги имконияти чегараланмаган. Бундан ташқари, қизларнинг йигирма ёшлар атрофида турмушга чиқиши кўпинча, уларнинг олий маълумот олишларига монелик қилади.

Гендер тенглиги хусусида сўз борганда, биз жамиятдаги эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ўринларнинг механик равишда бир-бири билан алмашиши ёки ўзгаришига оид вазифани мақсад қилиб қўймаймиз. Бунда муносабатларда уйғунликка эришиш учун юзага келган ҳолатни тушуниш ва мазмун-ҳодисаларнинг шахсий таҳлили асосида қарорлар қабул қилишни назарда тутаяпмиз. Масалан, оиладаги масъулият тенг иккига – ярми эркакка, ярми аёлга бўлиниши лозим. Шунда оилада тушунмовчиликлар, нохушликлар, энг асосийси низолар келиб чиқмайди.

Феруза ОРИПОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси матбуот котиби:

– Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун янги иш жойлари барпо этилди. Бундан кўпчилик хотин-қизларимиз унумли фойдаланишмоқда. Қолаверса, Истиқлолдан кейин мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан муносабат ривожланган давлатлардаги каби, аммо ўзимизга хос тарзда ривожланди. Уларга давлат даражасида эътибор ва ғамхўрлик қилинаётгани бежиз эмас. Лекин аксарият ҳолларда аёлларнинг жинсига қараб, «Нима қилса ҳам аёл-да, аёлнинг топганида барака борми?» деган писанда қарашлар унинг жамиятда ўз ўрнини топишига монелик қилди. Инсон ҳуқуқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки бошқа соҳадаги асосий эркинликлардан фойдаланишида аёл кишининг ҳам ҳақи бор деб ҳисоблайман. Хотин-қизлар сиёсий партияларда, бизнес соҳасида, яъни тенглик сиёсати тарафдорлари тармоғини кенгайтириш учун ҳокимиятнинг муайян воситаларига эга бўладиган жойларда тобора нуфузли кучга айланиши керак. Ҳокимиятнинг турли органларида хотин-қизлар сонини кўпайтириб, гендер тенглиги сиёсатини амалга оширишда анча жадалликка эришиш мумкин.

Саида ҚОРАБОЕВА, «Аёл қалби» газетаси бош муҳаррири:

– Гендер тенглиги ҳаётимизга бугун кириб келаётган янги тушунча эмас аслида. Тарихга бир назар ташлайлик. Бибихоним, Тўмарис каби момоларимиз эрлар қатори элулус учун жонини фидо қилишган. Жасурлик, ёвқирлик, донишмандлик, оқиллик аёлларга ҳам хос фазилат деб биламан. Нега бугун кўпгина истеъдодли хотин-қизлар уй юмушларига ҳаддан зиёд ўралашиб қолганликлари сабабли жамоат ишида эркакларга қараганда бирмунча паст. Менимча, аёлларни рўзғор ишлари билан машғул ҳолда кўрсатишга уринмаслик керак. Масалан, аёл фақат меҳрибон она, яхши уй бекаси ёки севимли рафиқа эмас, учувчи, жарроҳ, меъмор ҳам бўлиши мумкин-ку. Бунга юртимизда ҳам мисоллар кўп. Эркак ва аёл ҳақида гапирганда уларни бир хил нисбатда кўрсатиш лозим, деб ўйлайман.

Жасур КЕНГБОЕВ, «Жамият» газетаси бўлим мудири:

– Назаримда, гендер тенглиги инсониятнинг муаммоси. Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги мувозанатнинг тенгсизлигини ҳал қилиш чораларини фақат Шарқда эмас, Ғарб мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳақда фикрлар ҳам хилма-хил. Аммо, биз «гендерлаштирилган жамият»ни ҳали тасаввур қилишимиз қийин. Нима бўлган тақдирда ҳам хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни тенглаштираман деб, миллий урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни унутиб қўймаслигимиз лозим. Масалан, опа-сингилларимиздаги ҳаё, ибо, андиша туйғуларининг баҳоси борми? Ёки эркаклардаги орият, номус, шаън, ғурурнинг-чи? Шунинг учун гендер тенглигини ҳар бир инсон шарқона қадриятларимиздан узилмаган ҳолда қабул қилиб, танлаб қўникма ҳосил қилиши жоиз.

Сарвиноз МУСАДДИНОВА, Қорақалпоғистон Давлат университети талабаси:

– Журналистларнинг ёзги мактабидан қайт..ч, мени ҚАДРИЯТ деган туйғу ўйлантириб қўйди. Қадрият ўзи нима?

Гендер масалаларига бағишланган машғулотларнинг бирида бизга «Муҳаббатнинг икки қирғоғи» деб номланган кўрсатувни қўйиб беришди. Унда баъзан-да қорақалпоқ йигитлари ота-онасининг розилигисиз, тўй қилмасдан туриб, кўнглига ёққан қизни "олиб қочиб" кетиш урф-одати тўлиқ очиб берилганди. Буни кўриб кўзимга ёш келди. Лекин буни том маънода миллий урф-одат, қадрият деб бўладими? «Қадрият» деб қаралаётган бундай одатлар туфайли қанчадан-қанча оилалар бузилиб кетмоқда. Етим, қаровсиз болалар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозир мустақиллик даври. Ҳар бир аёл ўз ҳуқуқларининг қадр-қимматини англаган ҳолда уларга эга бўлиши, улардан фойдаланиши зарур.

Суҳбат жараёнида айрим одамлар онгида аёллар мақоми эркакларникига нисбатан паст деб қараш тушунчаси муҳокама этилди. Албатта, аёли маънавиятли халқнинг қашшоғи бўлмайди. Бунга эришиш учун хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини амалда аввало, оилада қўлланилса фойдадан холи бўлмас.

Адиба УМИРОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

Яқинда *"Ҳидоят" журналида ўқиб қолдим: Ўзбекистонда ҳар йили 25 мингга яқин никоҳ аҳди тузилар экан. Демак, ҳар йили шунча оила қурилиб, жамиятимизни мустаҳкамлаяпти. Чунки жамиятнинг асосий бўғини – оила. Аммо минг афсус: ҳар йили мамлакатимизда бир неча минглаб оила барбод бўлиб, эр-хотинлар ажрашишяпти ҳам экан. Ҳали бу ҳисобга "ажрашиш" саналмайдиган ҳолатлар (эр ё хотиннинг вафот этгани, вақтинча бирга яшамаслиги ва ҳ.к.) кирмайди. Агар булар ҳам эътиборга олинса, рисоладагидек мустаҳкам оилалар биз ўйлаганча эмаслигини кўриш мумкин. Бугун бир дунё умид билан «ЗАГС» эшигидан ҳатлаётган ёшларнинг бир талайи орадан икки-уч йил ўтиб-ўтмасдан ажрашиш ниятида суд залига кириб бориши муқаррарлигини ўйласанг, юрагинг увушади.*

Хўш, нега ажрашиш кўп? Нима сабабдан унинг нисбати тобора юқорилаб боряпти? Ё бунга моддий қийинчиликлар сабабми?

Бунинг бош омили иқтисодий ҳоллар десак, ҳатто очарчилик ва қаҳатчилик даврларида ҳам оилалар бунчалик кўп бузилмаганини биламиз-ку? Эркакларнинг пул топиш ниятида турли юртларда олти ой-бир йилга ишлаб келишига кетгани – уйда эмаслиги сабабми? Унда, тўрт-беш йиллаб давом этган уруш даврида ҳам оилалар анча мустаҳкам сақланганини қандай изоҳлаймиз?

Чамаси, оилалар омонатлашиб бораётганининг сабаби бошқа ёқда.

Яқин-яқингача Ғарб демократияси ўзини бутун дунёга эталон қилиб кўрсатар эди ва кўпчилик буни худди шунақа бўлиши керакдай қабул ҳам қилганди. Сўнгроқ бу қарашнинг хато эканлиги, миллий ва маҳаллий хусусиятларни, минг йиллик анъаналарни ҳисобга олмай туриб "демократия" қуриб бўлмаслиги равшан бўлди.

Чамаси, "Ғарб демократияси"нинг сут эмишган синглиси бўлмиш "Гендер сиёсати" деган қарашнинг ҳам Шарқ оилаларини барбод қилишда муайян ҳиссаси йўқ эмас. Чунки оила, албатта умуминсоний, аммо у аввал-охир миллий шаклдаги ҳодисадир. Бунда аллақайларда "ишлаб чиқилган", фақат уларнинг менталитетига мос эталонларни тиқиштириш ҳам боягидай натижаларга олиб келиши турган гап.

Оила жамиятнинг энг муҳим бўғини, дедик. Бинобарин, оилани мустаҳкамлаш ҳар бир давлатнинг асосий ижтимоий ташвишларидан бири. "Айбдор"ни қидириб топиш биланоқ муаммолар ечилиб қолмайди. Ажрашишларнинг асосий сабаби – барча замонларда – кишининг ўзига ҳар жиҳатдан лойиқ, муносиб турмуш ўртоқ топа олмагани бўлиб қолаверади. Шу боис, яқинда интернетда ўқиб қолганим – Дов Геллер деган бир муаллифнинг материалини таржима қилиб Сиз азизларга етказишга жазм қилдим. Унда ҳар бир кишига ўзига умр йўлдоши танлаш борасида асқотиши мумкин бўлган фойдали гаплар хийлагина. Бу таржима, уни ўқиган йигит-қизларга асқотса, оила қуришдаги адашишларнинг олдини олишга ёрдам берса, қанийди...

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

Дов Геллер

"Бу йўлда хато қилма..."



Оила қуришдаги муваффақиятсизликнинг асосий сабаби шундаки, ёшлар ўзига муносиб турмуш ўртоқ топишни билишмайди.

Албатта, билиб-билмай оила қуришнинг турлари беҳисоб. Биз улардан энг кўп учрайдиган, характерли бўлганларини кўриб чиқамиз.

БИРИНЧИСИ

Қизнинг бўлмағур қилиқлари борлигини пайқайсиз, аммо бунга никоҳни барбод қиладиган омил деб қарамайсиз. Эрга теккач, шояд ўзгарса, деб умид қиласиз. Ҳайҳот! Бир донишманд айтганидек, "Ҳар кимки, сен билан яшаса, бир кун келиб озми-кўпми, ўзгаради, аммо шуни ёдингда тутгилки, у фақат ёмон томонга ўзгариши мумкин, холос..."

Олтин қоида шуки, танлаганингизнинг маънавияти, феълидаги ўзига хослиги, бошқалар билан муносабати қайсидир жиҳатдан сизга ўтирмаяптими, унга уйлана кўрманг.

Йўқ, барибир уйланаман десангиз, унинг нуқсонларига кўникишингизга, у ҳозир қандай бўлса, шундайлигича қабул қила олишингизга ўзингизни ишонтиринг.

ИККИНЧИСИ

Сиз никоҳ учун энг асосий нарса, ҳозирги айрим одамларнинг таъбири билан айтганда, "кимё" деб ўйлайсиз (бу тушунчани ёшларнинг бир-бирига ҳеч нарсани ўйламай интилиши, шунда улар ўзини қулай ҳис этиши, деб таърифлаш мумкин).

Рост, "кимёвий реакция" гуриллаб ёнадиган оловни қўзғатади. Аммо энг кучли аланга ҳам, агар ўтин ташлаб турилмаса, тезда сўниб қолади. Бу қобилият эса киши характерининг алоҳида жиҳатларига боғлиқ.

Севиб қолганлик "иситмаси"дан қутулишга ҳаракат қилинг. У бор-йўғи ҳирс туйғуси бўлиши ҳам мумкин.

Ниятингиз жиддийлигини текшириб кўриш учун "объект"-ни синчиклаб ўрганишингиз лозим.

Хўш, қандай жиҳатлар энг аввало тадқиқ этилиши керак?

Аввало, камтарлиги, шароитга кўникишга қобиллиги.

Шу қиз учун энг муҳими нима – тўғри хатти-ҳаракат қилишми, ё ўзига ёққан нарсани қилишми, мана шуни аниқлашга уриниб кўринг.

Иккинчиси, олижаноблиги. Одамларни хурсанд қилишдан мамнун бўладими ё йўқми – билиб олинг. Бошқаларга қилаётган муомаласини кўринг; айниқса, яхши эканлигини кўрсатиши шарт бўлмаган ҳолларда ўзини қандай тутяпти? Ихтиёрий равишда бирон иш қилишга иштиёқи борми ё йўқми? Майинлик-меҳрибонлик ва назокат борми ўзи?

Учинчидан, масъулият туйғуси. Ўзингиздан сўраб кўринг: унга ишонса бўладими?

Тўртинчидан, ҳаётдан завқлана олиши. Хурсанд юрадиган вақти кўпроқми ёки аксинча?

Ва албатта ниҳоятда муҳим бир саволга ўзингиз жавоб топинг: шу қиздан болаларингиз бўлишини хоҳлайсизми? Агар болаларингиз унга ўхшаса, бундан ранжимайсизми?

УЧИНЧИСИ

Сиз шу аёлга нима даркорлигини билмасдан туриб, уни танладингиз. Агар шундоқ бўлса, бирга яшай бошлаган дастлабки ойларингиздаёқ хотинингизнинг сиздан ҳафсаласи пир бўлиши тайин.

Оила қуришни ният қилган экансиз, аёлларнинг ҳис-туйғулари олами эркакларникидан тамом ўзгачалигини билишингиз лозим. Бугина эмас, балки хотинингизни эъзозлаш, ўзингизни унга хурсандчилик келтиришга тайёрлашингиз даркор.

Бу осон иш эмас. Бу ерда алоҳида ёндашув лозим – ҳар бир аёлнинг дид-қарашлари ўзига хос бўлади. Аммо бир нарса умумий: ҳар қандай аёл севилишни ва эри томонидан эътироф этилишни орзу қилади. Унга, мен сени севаман, деб айтиш мутлақо кифоя эмас. Ҳамиша эътибор қилаётганингизни сездириб туришингиз шарт.

ТЎРТИНЧИСИ

Сиз қизиқишларингиз ва ҳаётий мақсадларингиз мос келиш-келмаслигини аниқламай турибоқ қизга турмуш қуришни таклиф этасиз.

Уч муҳим омил бор, унга амал қилинса, узоқ муддат бирга яшаган чоғда одамнинг жини қўзимайди:

Руҳий-маънавий мослик.

Қизиқишларнинг муштараклиги.

Ҳаётий мақсадларнинг бир хиллиги (ёки камида яқинлиги).

Турмуш қуришдан аввал ўзингиз ва қаллиғингизнинг ҳаётга қарашларингиз бир хил эканини аниқлаб олинг. Агар шундай бўлса, ораларингизда қалин маънавий алоқадорлик юзага келади. Оилавий турмушдаги илиқ муносабатлар кишини маънавий жиҳатдан янада юксалтиради.

БЕШИНЧИСИ

Танлаган севгилингиз билан турмуш қуриш тўғрисида бир қарорга келмай туриб, у билан яқин алоқада бўласиз.

Шарқ анъаналарига кўра, оиладан ташқаридаги бундай иш – ҳаром. Ва бу тақиқнинг тагида катта донолик ётибди.

Жумладан, ҳирсни тия олмаслик бундай ҳолларда "эҳ, ўшанда кўзим кўр бўлган экан!" деган хулосага олиб келиши тайин.

ёки турмуш қуришдаги янглишишларнинг ўн тури

Ҳозирги ёшларнинг айримлари, афсуски, бўлажак умр йўлдошининг "ҳирсий иштиёқмандлиги"ни синовдан ўтказиш керак, деб ҳисоблашади. Аммо бундай фикрга борувчилар чинакам роҳат ва лаззат бахш этувчи яқинлик аслида эр билан хотин ўртасида маънавий яқинлик мавжуд бўлгандагина юз кўрсатишини билишмайди.

ОЛТИНЧИСИ

Турмуш қураётиб, ўзингизга ҳеч маҳал, кўнглимда шу танлаганимга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуси борми, деб савол бериб кўрмадингиз.

Бу саволнинг маъноси баъзилар ўйлаганидек жўн эмас. Зеро, чинакам ҳурмат жуда юксак туйғу. У эъзозлаш, фахрланиш кабилар билан бир нарса эмас.

"Мен уни ҳурмат қиламан" ва "у мени лол қолдирди" деган тушунчаларнинг қиймати бир хил эмас. Чунончи, унинг "Мерседес"и борлигини кўриб, анграйиб қолдингиз, дейлик. Аммо шунга қарамай, бу ажойиб машинанинг эгаси сизда ҳурмат ҳиссини уйғотмаслиги ҳам мумкин. Сабаби бошқа ёқда бўлади. Уйланишга жазм қилар экансиз, келинчакнинг айнан шахсий фазилатлари сизни лол қолдирсин.

Ўзингиздан бир сўраб кўринг: сиз унга ишонасизми? Қийин ҳолларда унга суянсангиз бўладими?

ЕТТИНЧИСИ

Сиз уйланяпсиз, аммо танлаган ёрингиз ёнида руҳан хотиржам туролмайсиз.

Ўзингизга бир неча принципиал савол бериб кўринг: бўлажак келинчак билан муомалада унга ёқиш учун ғайриихтиёрий равишда роль ўйнамаяпсизми? Ўз ҳолингизда у сизни ёқтирмайдими? Унинг яқинлари даврасида сиз ўзингизни эркин тута оласизми? Ҳатто энг яқин танишларингиз ҳам билмайдиган сирларингизни унга айтгингиз келса, бу сизни қийнамайдими? Шу қизни яқин дўстим деб қабул қила оласизми?

Мана шу саволларга жавоб топсангиз, сиз унга уйланиш ё уйланмаслик борасида узил-кесил бир қарорга келишингиз, лоақал, бу қиз сизнинг ҳис-туйғуларингиз ва орзуларингизга шерик эканига амин бўлишингиз мумкин.

САККИЗИНЧИСИ

Умр йўлдошни-ку, танлайсиз, аммо унга кўнглингизни очмайсиз.

Ҳозир айримларнинг фикрича, "муносабатларни аниқлаб олиш муҳим эмас, давом эттириш лозим" эмиш. Бизнингча, бу – хато қараш. Шахсий муносабатларни мушкуллаштириб турган масалалар ҳақда очиқ-ойдин гаплашиб олган маъқул. Бу ўзаро мулоқотнинг қанчалик мақбул экани ва икковингиз бирга яшаб, ишлаб кета олишингиз мумкинми ё йўқми эканини аниқлашнинг ягона йўлидир. Бирга турмуш кечиришнинг узоқ йўлида сизни фақат хурсандчиликлар кутиб турмайди. Мураккаб, олдиндан билиб бўлмайдиган вазиятларга ҳали ҳеч ким чап бериб кета олган эмас. Бирон-бир қарорга келишдан аввал эр-хотин икковингизга ҳам маъқул бўладиган бир битимга кела оласизларми ё йўқми, шуни билиб олинг.

Ёрингизнинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларидаги сизга ёқмайдиган нарсаларни унга айтишдан асло чўчиманг. Бу соҳада дангал бўлиш орқали сиз унинг олдида қай даражада мута эканингизни билиб оласиз.

ТЎҚҚИЗИНЧИСИ

Ўзингизни бахтсиз, ёлғиз ҳис этяпсиз. Ўзингиздан ҳам, турмушингиздан ҳам рози эмассиз ва оила муҳити мени бу оғир изтироблардан халос этармикин, деб уйланмоқчисиз.

Очиғини айтиб қўяқолайлик: оила қуриш бу борада асқотмайди. Сизнинг ҳиссий, психологик муаммонгиз бу билан енгиллашмайди. Чунки у – сизнинг ичингизда. Уни турмуш қуришдан олдин бартараф этишга ҳаракат қилинг. Оз нарсага қаноат қилишга, ҳатто арзимас бир ютуққа ҳам қувонишга интилинг.

Агар сиз бўйдоқ чоғингизда ҳам ўзингизни бахтлиман деб ҳисобласангиз, бу нарса қурадиган оилангиз саодатли бўлишининг ҳам негизи бўлади.

ЎНИНЧИСИ

Танлаган бўлажак ёрингиз ўзини сизнинг саховатингиз туфайли яшаб юргандек қилиб кўрсатади. Бу сизга мойдек ёқиб тушади ва шу сабабли унга уйланасиз.

Лекин билиб олинг: оилавий бахт учун бу пойдевор жудаям омонат. Қизнинг қарам бўлишига интилиши яхши нарсадан дарак бермайди. Чунки бу унинг эрк-иродаси йўқлигини, мустақил ҳаракат қилишга ноқобиллигини, ўзича бирон қарорга кела олмаслигини кўрсатади. Бундай одам ҳамиша қарам бўлиб қолаверади. Куни кеча у ота-онасига қарам эди, бугун сизнинг қарамоғингизда, эртага эса... ким билади?

Сиз, эҳтимол, қизга ёрдам беришга уринарсиз, унинг ўз устида ишлашини, бу қадар "мўминқул" бўлишдан озод этишни истарсиз. Агар шундай бўлса, буни пайсалга солманг, "тўйдан кейин..."га қолдирманг. У билан турмуш қуришга жазм этдингизми, ўзингиз ва унинг ҳаракатлари бекорга кетмаслигига амин бўлинг.

Ютуқлар эътироф этилди, вазифалар белгилаб олинди

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришимизнинг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ҳар йили август ойида ўтказиладиган август кенгашларида ўтган ўқув йилида қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларнинг сарҳисоб қилиниши, янги ўқув йилида амалга ошириладиган вазифаларнинг белгилаб олиниши ҳам ана шу мақсад йўлида қилинаётган муҳим ишлардан десак адашмаймиз.

Шу йилнинг 25 август куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Тадбирнинг асосий мақсади давлатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўналишлари ва истиқболларини белгилаб берган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга оширишда эришилган ютуқлар ва галдаги вазифаларга қаратилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида жами 10052 нафар педагог ва муҳандис-педагог фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 53 нафари фан доктори, 393 нафари фан номзодидир. Бошқарма тизимидаги таълим муассасалари ўқитувчиларининг ҳар йили республика олий таълим муассасаларининг малака ошириш институтларида малакаларини оширмоқдалар. Шунингдек, ўтган ўқув йилида 8 нафар ўқитувчи Германия, Англия, Россия каби таълим тизими тараққий этган давлатларда бўлиб, ўз малакаларини ошириб қайтганларининг ўзиёқ бу масалага жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни, ўқитишнинг ноъанавий шаклларини жорий қилиш айни чоғда энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада илғор ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига янги технологияларни қўллаш тажрибалари оммалаштирилмоқда. Тажрибали, ижодкор ўқитувчилар томонидан 80 дан ортиқ дарслик, 200 дан ортиқ ўқув қўлланма, маъруза матни ва дарс ишланмалари яратилиб, ўқув-тарбия жараёнида қўлланиб келинмоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам анча салмоқли. Масалан, Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасида, Тошкентдаги академик лицей ўқувчилари олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлиб, Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини жаҳон миқёсида кўтаришди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тугатган ўқувчи-талабаларни иш билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган ўқув йилида Тошкент шаҳри битирувчиларини ишга жойлаштириш 95 фоизни ташкил этди.

Тадбирда соҳанинг айрим муаммолари ҳам тилга олинди. Маълумотларга қараганда, электрон дарсликлардан фойдаланиш тўла-тўкис йўлга қўйилмаган. Шунингдек, ўтган ўқув йилида 29 та таълим муассасасининг 46 нафар ўқувчиси томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари содир этилгани, 1452 нафар ўқувчининг эса ўқувчилар сафидан четлаштирилганлиги ёшлар давоматни яхшилаш, уларни таълимга жалб этиш борасида янада кўпроқ ишлар олиб бориш зарурлигини англатади.

Тадбир якунида мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Янги ўқув йилида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Зебо АБДИҚОДИРОВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

МАЪНАВИЯТ

ОСОРИ АТИҚА

Ўзлигимиз обидаси

Истиқлолдан аввал қамоқхонага айлантирилган эди

Ёшлигимда катталарга эргашиб, Қарши шаҳридаги Эски бозорга, унинг биқинидаги хушманзара истироҳат боғига тез-тез келиб турардим. Йўлнинг нариги тарафида, ичкарида кўриниб-кўринмай турадиган, деворларига-да сим ўрлаган совуқ иншоот кўп бор диққатимни тортарди. Сўрасам, ҳар гал бир хил жавоб эшитаман: у ер қамоқхона...

Тўғри, балки ўша пайтларда бу сўз маъносига унчалик етмагандирман. Аммо ёш онгимда аллақандай нохуш таассуротлар қолгани аниқ.

Яқинда йўлим тушиб, анчадан бери ўйлаб юрганим, бугунги кунда зиёратгоҳга айлантирилган бу иншоотни — Одина мажмуасини зиёрат қилмоқни ихтиёр этдим. Мажмуа бошлиғи Суннат Омонов билан суҳбатимиз бу тарихий обиданинг бунёд бўлиши, бир неча бор қайта тикланиши, қандай қилиб ҳибсхонага айлантирилгани ва мустақиллик даврида аслиятига қайтиши мавзусида кечди.



Бир пайтлар ҳақ-ноҳақ айбланган маҳкумлар ётган, жазони ўтаган жойда бугун кўплаб экспонатлар териб қўйилган. Ҳар бир экспонатнинг, маҳбуслар оҳу ноолаларини эшитавериб, хира тортиб қолган ҳар бир ғиштнинг ўзи бир афсона. Уларни диққат билан кўздан кечирарканман, кўнглимда бир аччиқ хўрсиниш ҳис қилдим.

Шаҳар марказида қад ростлаган бу қадим иншоот яқин-яқингача одамлар тилида "Тоштурма" эди. Унинг аслида ўтмишдан қолган меъморий обидалиги эса кўпчиликнинг ёдидан кўтарилиб улгураёзганди. Ёнидан ўтган кишининг кўнглига ваҳм соладиган, тўрт томони қалин девор, симли-тиканлар билан ўраб ташланган росмана "тош турма" эди-да ўзиям. Қарийб етмиш йил мобайнида бу ер оҳу фиғонлар, дарду ҳасратлар маконига, қийноқ ва азоблар кошонасига айланиб қолганди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, у мўғил хони Кепакхон томонидан XIV асрда қурдирилган. Ва хон қароргоҳи вазифасини бажарган. Ўзаро тахт талашишлар натижасида мўғилларнинг ўзи томонидан деярли харобага айлантирилган бу иншоот 1385-1386 йилларда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан қайта тикланади. Шундан кейин Одина жомеъ масжиди номини олади. "Қарши Регистони" мажмуига кирган мазкур меъморий иншоотнинг ўша даврдаги кўриниши жудаям салобатли ва мафтункор бўлган. Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришича, "Обида ичидаги ибодат жойлари кенг, баланд, тепаси кичик гумбазчали, ҳар-ҳар жойига қалин қилиб терилган ғишт устунлари бир-бирига равоқлар орқали туташиб кетган. Ана шундай ўнлаб равоқ, гумбазчали хоналардан ўтиб, номозгоҳга чиқилган. Унинг ғарбий (қибла) томонида жуда катта маҳобатли меҳроб бўлган. Меҳроб равоғининг атрофига Қуръони каримдан оятлар битилган. Меҳробнинг ўнг томонида етти зинали минбар бўлиб, унда жума ва ҳайит намозларида хутба ўқилган".

Обида кейинги асрларда темурий шаҳзодаларнинг тахт талашишлари, шайбонийлар босқини, Чор Россияси мустабидлари зулмига ҳам маҳкум этилди. Айниқса, шўролар даврида аввал омборхона ўрнида фойдаланилган Одина мажмуаси 1938 йили — мустабид тузумнинг қатағон машинаси ишга тушган, миллатнинг буюк фарзандлари бирин-кетин ҳибсга олинаётган пайтда қамоқхонага айлантирилди. Бир ўқ билан икки қуённи уриш деб шунга айтишса керак-да. Халқнинг энг муқаддас масканини, халқнинг маънавиятини бундан ортиқ яна қандай таҳқирлаш мумкинлигига инсон ақли бовар қилмайди. Аммо бу ҳам ҳаммаси эмасди. Обида бутунлай қамоқхонага айланиши учун жуда катта бузғунчилик ишлари олиб борилди. Ғиштин деворлар бетонланди, темир эшик, темир панжаралар ўрнатилди...

Гарчи бу ер, қамоқхона низомида кўрсатилганидек, 150 маҳкумни қабул қилишга мўлжалланган бўлса ҳам, бирваракайига 800-850 маҳбус сақланган. Маълумотларга қараганда, 66 йил давомида эса саккизта республикадан келган 40 минг нафар киши жазони ўтаган. Ўн кишилик камерага кези келганда қирқ киши ҳам тиқилган. 63 гумбаз остидаги торгина 54 та камерада бунча киши учун ўтириш ёки ухлаш уёқда турсин, ҳатто тўйиб нафас олишнинг ҳам имкони бўлмаган.

Афсуски, Қарши шаҳри атрофида рўйхатга олинган 123 обидадан бири бўлган мазкур масжид бизгача асл кўринишини, ҳуснини йўқотган ҳолда етиб келди. Мустабид тузумнинг қиличи қонга ботирилган манфур сиёсати туфайли қамоқхонага айлантирилган обида Соҳибқирон Амир Темурдан роппа-роса 620 йил ўтиб, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан бутунлай ўзгача қиёфа касб этди, зиёратгоҳга айлантирилди.

Бу ерда кенг қамровли илмий-тадқиқот, йирик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, ёши улуғ фахрийларнинг хотиралари, тарихий манбаларга таянган ҳолда имкон қадар асл қиёфасига келтирилди, қайта чирой очди, атрофи ободонлаштирилди. Энди бу ер бир пайтлардагидек кишилар кўнглига ваҳм солмайди. Аксинча, хушкайфият улашади, аждодлар қолдирган буюк меъросдан фахрланиш ҳиссини кўнгилга қадайди. Бу улуғ ишлар, шубҳасиз, мустақиллигимиз шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилди.

Айни пайтда бу маконда қадимий Қарши шаҳри, обиданинг кейинги 70 йиллик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир осори атиқалар жой олган. Жумладан, Қарши шаҳри тарихи ва Амир Темур фаолиятига доир 100 дан ортиқ адабиёт, 200 дан зиёд археологик экспонат, XX аср ва XXI аср кулолчилик намуналари, 50 дан ортиқ археологик ашёлар суратлари, хариталар, мажмуанинг таъмирланиш жараёни, миллий қадриятларимиз акс этган сурат-лавҳалар сайёҳлар ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Мажмуага ташриф буюрган ҳар бир киши қадимда Наҳшаб, Насаф, Нашеболо, Боло номлари билан машҳур бўлган Қаршининг узоқ ўтмиши, қадимий ўрни ва манзиллари, мазкур мажмуа таркибига кирувчи обидалар ҳақида тўлиқ маълумот ва бир умрга онги қатига муҳрланиб қолувчи бой таассуротлар оладилар.

Мажмуанинг шундоққина орқасида яна бир қадимий иншоот — маҳобатли сардоба мавжуд. Манбаларга қараганда, мазкур Қарши сардобаси XVI асрда — Абдуллахон даврида қурилган. Маълумот учун айтиш мумкинки, Мовароуннаҳрда жами 44 та сардоба рўйхатга олинган бўлса, шундан 29 таси Қарши чўлида жойлашган. Улардан бири айнан Одина мажмуасининг ёнидаги сардобадир. Сардобага киришингиз билан, қадам товушларингиз шифтда акс-садо беради. Алланечук ҳаяжон билан тепага қарайсиз. Бошингиз айланиб кетади. Тўғри, сардобага сув келмай қўйганига анча бўлган. Аммо унинг ғиштлари бу ерга асрлар давомида келиб, чанқоғини қондирган чўпон-чўлиқлар, савдогарлар, дарвешлару сайёҳлардан хотиралар сўйлайди, эртаклар айтади...

Одина мажмуасида айни пайтда Ўзликни англаш маркази ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу обида том маънода ўзлигимизни англатиб турувчи, ўзлигимизни топиш қанчалик мушкул ва таҳқирлашларга бой бўлганини эслатиб турувчи обида бўлиб қолиши шубҳасиз.

Иномжон АБДИЕВ

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбек адиблари»нинг янги нашри

Профессор Собир Мирвалиев билан Рихси Шокировалар қаламига мансуб "Ўзбек адиблари" ўқув-қўлланмасининг янги нашри ўқувчилар қўлига тегди. У бадиий баркамол асарлари билан XX аср адабиёти тарихини яратган, XXI аср бошлари адабий ҳаётида фаоллик кўрсатаётган икки юзга яқин шоир, ёзувчи ва драматургларнинг мўъжаз ижодий қиёфаларидан ташкил топган. Муаллифларнинг кўп йиллик изланишлари самарасида юзага келган тадқиқот-қўлланма XX аср адабий ҳаёти ҳамда XX аср бошлари мастақиллик даври ижодий жараёни манзарасини яратишга эришганлиги билан эътиборли. Бир томчи сувда осмон кенгликлари акс этгани сингари адибларнинг ижодий фаолияти, бадиий-эстетик изланишлари қисқа, лўнда, мухтасар ифодаларда тажассум топган.

Китоб аввалги нашрлардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради? Аввало, ушбу нашрнинг ташқи кўриниш жиҳатидан сифатли безатилганлиги, қалин муковада чоп бўлганлиги ва қоғозининг тоза сифатли эканлиги, адибларнинг сурати-портрети билан бойитилган, тўлдирилган. Агар, аввалги нашр Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) ижоди билан бошланган бўлса, янгиси давр жиҳатдан анча илгарироқ яшаб ижод қилган маърифатпарвар адиб Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862-1937) ижоди билан бошланади. Бу дегани XX аср ўзбек адабиётида миллий уйғониш, жадидчилик ҳаракати XIX асрнинг охирги чорагидан бошланганидан далолат беради.

Худди шунингдек, миллий уйғониш ва газетачилик ҳаракатида фаол иштирок этган Тавалло, Рафиқ Мўмин (1950-1951) каби тариҳдан унутилаёзган истеъдодли шоирлар ҳисобига ҳам «адиблар» бойитилган. Яна аввалги нашрга кирмай қолган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Йўлдош Шамшаров ўтган асрнинг 50-йилларида "Юрак сирлари", "Сурмахон" каби саҳна асарлари билан халқимиз ҳурматини қозонган Баҳром Раҳмонов каби кекса адиблар қаторида XX аср бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида сезиларли из қолдирган ёки ҳозирги кунда фаол иштирок этаётган йигирмадан ортиқ янги номлар билан ҳам тўлдирилган. Жумладан, Тўлқин, Тошпўлат Аҳмад, Тилак Жўра, Асқар Маҳкам, Маҳмуд Тоиров, Умида Абдуазимова, Улуғбек Ҳамдам, Қўчқор Норқобил, Ҳосият Рустамова, Барот Исроил, Турсин Али, Кавсар Турдиева каби шоир ва адиблар киритилган.

Айни чоғда аввалги нашрларда мавжуд бўлган адиблар портрети қайта тўлдирилган, янги эстетик таҳлиллар ҳисобига бойитилган. Хусусан, Муҳаммад Али, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Турғун Пўлат, Ўткир Раҳмат, Мирзо Кенжабек каби адибларнинг ижодий портрети янги нуқтаи назарлар, бадиий-эстетик таҳлиллар, илмий-назарий умумлашмалар билан фарқланади.

Хуллас, мазкур нашр оддий кўрсаткич ("Справочник") маълумотномагина эмас, балки кўп йиллик илмий-ижодий изланишлар самарасидир. Яна бир фазилатли хусусияти шундаки, ҳар бир адибнинг ҳаёти, ижодига оид аниқ ва тўлиқ маълумотлардан ташқари бадиий изланишларининг ўзига хослиги, индивидуаллиги, овози ва сози ихчам ифодалаб берилганлиги китобнинг қимматини оширган. Ўқув қўлланма касбкори, ёшига қарамай барча адабиёт ихлосмандларига, маданият ва маърифат тарғиботчиларига фаолиятларида ишончли қўмакдош бўлиб хизмат қилади.

"Ўзбек адиблари" даврий нашрлар мақомидаги ўқув-қўлланма китоблардан бўлганлиги туфайли ҳали кўп янгиланиш, ўзгариш сари юз тутиши турган гап. Айрим истаклар: биринчидан, XXI аср бошлари истиқлол даври адабий ҳаётида самарали изланишлар олиб бораётган, адабиёт тарихини яратишда бадиий гўзал асарлар яратаётган навқирон авлод вакилларининг ҳам ижодий портретлари ёзилса. Иккинчидан, бадиий эстетик тафаккур тараққиётида адабиётшунос ва танқидчилар асарлари ҳам муносиб хизмат қилаётир. Ана шу фаол илм соҳибларининг ҳам мўъжаз портретлари битилса. Учинчидан, ўқув қўлланмага XIX аср охири XXI аср бошлари адабиёти, яъни салкам юз эллик йиллик адабий ҳаёт манзарасини яратаётган адиблар ижодий фаолияти қамраб олинган. Айни шу даврда хориждаги ўзбек адиблари ижодий фаолияти ҳам жаҳон тамаддунида муносиб ўрин тутади. Уларнинг етакчи вакиллари ижодига илмий баҳо берилса, назарий умумлаштирилса нур устига аъло нур бўлурди.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ

«Қанотли сўзлар» мулкига саёҳат

Инсоният тил бойликлари хазинасида «қанотли сўзлар», қайроқи, ҳикматли иборалар алоҳида ўрин тутади. Улар — тафаккур салоҳиятининг нодир туҳфаларидир. Биз ўзаро муомалада, суҳбатларда, маърузаларда, илм-фанда ва бадиий адабиётда бундай ибораларга бажону дил мурожаат этамиз. Чунки улар ўзининг қисқалиги, лўндалиги, мураккаб фикр ва ҳолатларни равшан, бетакрор образли тилда қойилмақом ифода этганлиги билан ажралиб туради. Улар худди шу фазилати билан суҳбатларга ранг бағишлайди, маърузаларни таъсирчан бир даражага кўтаради, илм-фанда, сиёсатда, ҳуқуқшуносликда масалани ғоятда аниқ ёритишга кўмаклашади, бадиий асарларда тасвир ва ифодани ярақлатиб очади.

Ҳар бир инсон лафзида «қанотли сўзлар» учрайди. Машҳур иборалар тилдан-тилга, элдан-элга, ўтмиш асрлардан янги асрларга ва келажакка кўчиб юради. Ва инсоният мулки, тил мулкига айланади.

Шу қадарки, гоҳида улар **биринчи марта қачон, ким томонидан айтилганини** хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Бу тўғрида ўйлаб ўтиришни ўзимиз учун ортиқча бир иш, деб биламиз. Аслида, машҳур иборалар тарихи ўзига хос қизиқарли бир дунё.

Худди шундай иборалар тарихи ва айни мазмун-моҳиятини шарҳловчи «Мангу ҳамроҳлар» номли китобни яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти кенг китобхонлар жамоатчилигига тақдим этди. Китоб муаллифи — таниқли журналист Жалолиддин Сафоев.

Энг аввало, китобнинг номи «Мангу ҳамроҳлар» тушунчаси ҳақида бир оғиз изоҳ. Бу ном китобга узуқнинг олтин кўзидай ярашиб турибди. Инсониятнинг доно фарзандлари томонидан бир вақтлар яратилиб, илк бор муомалага киритилган машҳур тарихий иборалар, чиндан ҳам, бизнинг мангу ҳамроҳларимиздир. Улар бизга ва келажак авлодларга ҳам ҳамроҳ, ҳамнафас ва ҳамкордир. Иккинчидан, қарангки, «Мангу ҳамроҳлар» иборасининг ўзи ҳам бетакрор тарихли, илдизли ва бир замонлар муайян сабаб билан дунёга келтирилган экан. Китобнинг 70-саҳифасида мазкур ибора тарихига оид изоҳда айтилишича, «Мангу ҳамроҳлар» иборраси илк марта рус ёзувчиси ва шоири Д.С. Мережковский (1865-1941) нинг «Мангу ҳамроҳлар. Жаҳон адабиёт намояндаларининг портретлари» китобининг номида тилга олинган экан. Дарвоқе, «қанотли сўзлар» иборасининг ўзи ҳам ажиб тарихли. Уни биринчи марта антик юнон шоири Гомер тилга олибди. Тўғри, бу ибора Гомернинг қайси асарида? Ва нима сабаб билан айтилган? — деган саволлар ҳам туғилади. Афсуски, китоб муаллифи ушбу саволларни жавобсиз қолдирган. «Мангу ҳамроҳлар»нинг кейинги тўлдирилган ва такомиллаштирилган нашрларига қўл урилса, шунга ўхшаш ва бошқа изоҳ талаб ўринларга албатта эътибор қилинишини бир китобхон сифатида муаллифга таклиф этаман. Шахсан камина ўзим журналист эканлигим сабабли, «Мангу ҳамроҳлар» китобида матбуотга оид «Тўртинчи ҳокимият», «Сариқ матбуот» деган ибораларнинг тарихига алоҳида эътибор қилдим ва мамнун бўлдимки, бу иборалар тўғрисида Ж. Сафоев китоби шахсан менга янги маълумотлар берди. Маълум бўлишича, «тўртинчи ҳокимият» иборасини АҚШнинг асосчиларидан бири ва унинг учинчи президенти Томас Жефферсон (1743-1826) биринчи бўлиб айтган экан. (19-бет). Енгил-елпи мавзуларга ўч, сенсация орқасидан қувадиган, кўпинча ёлғон-яшиқдан иборат, тоши енгил матбуот нашрларига нисбатан ишлатиладиган «Сариқ матбуот» ибораси эса ўзига хос бир воқеа билан боғлиқ равишда дунёга келган экан. Яъни 1895 йилда АҚШлик рассом Ричард Аутколт «The Wovla» газетасида бир нечта расмларини чоп эттиради. Ушбу расмлар ичида сариқ кўйлак кийган бир болакай ҳам бўлиб, унинг тилидан бир қатор кулгили гаплар берилади. Тез орада Американинг бошқа бир тижорий руҳли газетаси худди шундай расмларни чоп этади. Кейин икки газета орасида арзимаган ана шу сариқ кўйлакли бола расмини ким биринчи бўлиб берганлиги тўғрисида жиддий мунораза бошланади. Баҳс кўпчилик диққатини тортади. Бундай бемаъни баҳсдан тўйиб кетган америкалик публицист Эрвин Уордмен 1986 йилда мақола ёзиб, ҳар икки газетани киноя билан «сариқ матбуот» деб атайди... Шу-шу, мазкур ибора дунё матбуотига кўчади. Мен китобдан айрим бир машҳур ибораларнигина тилга олиб ўтдим. «Мангу ҳамроҳлар»да эса бундай иборалар ниҳоятда кўп ва ҳар хил. Ва ҳар бир ибораниг қизиқарли тарихи, мазмун-моҳияти ёритилади. Масалан, эҳтимол сизни «Геосиёсат», «Атлантида», «Илиқлик» («Оттенелль»), «Охлократия», «Дамокл қиличи», «Гимн», «Кассандра», «Ал-қассосул минал-ҳақ», «Мафия»... ва ҳоказо шунга ўхшаш иборалар тарихи қизиқтирар. Марҳамат, Ж. Сафоев китобидан уларнинг қизиқарли тарихларини топасиз. Ва хурсанд бўласиз. Гоҳида баъзи машҳур иборалар одамлар орасида турлича талқин этилади. Бунга ойдинлик киритиш истаги бўлса, «Мангу ҳамроҳлар» китобини варақланг. Сиз учун кўп нарса ойдинлашади. «Мангу ҳамроҳлар» маърифий ва амалий фойдали китоб. Унинг янги, тўлақонли нашрлари устида изланишни муаллифга ният қилиб қоламиз.



Михли САФАРОВ

ЎзМУ 90 ЁШДА

Ҳимматингизга балли, ҳомийлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан жонажон университетимиз юбилейи мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётгани шу қутлуғ даргоҳда таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрнини топган барча зиёлилар, турли касб эгалари ва қолаверса, бугунги кунда шу мўътабар масканда ўғил-қизлари таҳсил олаётган минглаб ота-оналар қалбини тўлқинлантирмоқда.

Айни кунларда университетда жуда кенг миқёсда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Қатор ўқув бинолари, бошқа иншоотлар замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилиб, янгидан чирой очмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси жонажон университетимизнинг 90 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга қаратилгандир.

Халқимизда азалдан, тўйга тўёна билан, деган ажойиб удум бор. Зеро, қадрдон ўқув масканимиз тўйини ўзи учун катта шараф деб билган кўплаб саховатпеша зиёлилар, турли касб эгалари ана шу катта тадбирга тайёргарлик ишларига ўз улушларини қўшаётганлари таҳсинга лойиқ.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчимизки, университетда байрам тараддуди қизғин паллага кирган бир пайтда яна кўплаб саховатпеша кишилар ҳомийлик қилиш истагида мурожаат қилмоқдалар. ЎзМУ маъмурияти ва жамоаси уларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда ҳомийлик маблағлари учун қуйидаги ҳисоб рақамни маълум қилади:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 174.
ОАИТБ "Ипак йўли" банки Ўрикзор бўлими,
х/р: 20203000900101070002
СТИР 200845944. ОКОНХ-92110.
МФО банк коди — 00999.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот хизмати



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Жаннатмонанд юртимиз аҳли ва меҳмонларини

Республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами

билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик,

қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.



Ватанимизда осойишталик, оилангизда хотиржамлик доимо ҳукмрон бўлсин, дея тилаклар билдирган ҳолда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаб, уларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш, уй-жой шароитларини яхшилаб, узоқ муддат фойдаланадиган уй-рўзғор жиҳозларини харид қилишда банк ўзининг хизматларини имтиёзли шартлар асосида ТАВСИЯ ЭТАДИ.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ЯНАДА ОШИРИНГ!

ҲАНГОМА

“Алпомишнинг энаси”

Мастон холанинг уйи бузилди. Дўппидек бўлса-да, шаҳар марказида ҳовлиси бор эди. Қирқ йиллик қўшнилари билан тиллашиб, тўртта товуғига, Ҳасан чолига қараб умр кечириб юрган эди. Бир куни маҳалланинг каттаси кириб айтди, бу ердан катта йўл ўтармиш. Шунга йигирма чоғлик хонадон бузилармиш. Чолу кампир не дерди? Кўпчиликка келган тўй, беватан кўчада қолмасмиз, дейишди.

Ҳаш-паш дегунча кампир келин бўлиб тушган ҳовли теп-текис бўлди. Чол-кампирга икки хоналик чиройли уй беришди. Мастон хола қишда кўмир, ёзда ёғоч ёқиб овқат пиширишдан, ҳовли супуриб, қор курашдан қутилдию... бироқ бирор ойдан кейин зерика бошлади. Бу “дом” деганида одам бекорчиликдан ўлиб қолар экан. Кампир ўйлаб-ўйлаб, бозорга чиқмоқчи бўлди. Чоли эски ҳовлиси бузилганида ҳар хил темир-терсаклардан йиғиб қўйган эди. Мастон хола кичкина аравасига ўша темирларни ортди-ю, бозорга йўрғалади. Аввало, эрмак, бозорчи одамларни кўриб, ҳовури босилади. Қолаверса, бир сўм бўлса-да, ҳарна, пенсияга суянчиқ.

Ана, бизнинг кампиримиз ёйма бозорга кираверишда керилиб ўтирибди. Олдидаги сувқоғозга буюмларни ёйиб қўйган. Улар орасида бир-бир ярим қулоч келадиган арматурагача бор.

Шу пайт Мастон холанинг олдига бир полвон йигит келди.

— Хола мана бу симингизга қанча сўрайсиз? — деди бир метр келадиган арматурани қўлига олиб. Бу холага нашъа қилди:

— Яхшилаб қара, болам. Бу сим эмас, темир таёқча. Арматура дейди. Ўқловдай келадиган темирни сим дейсан-а, болам?

— Биз учун сим-да бу, эна, — деди кулиб полвон йигит. У битта арматурани зуваладай қилиб эгиб ўйнай бошлади, кампир норози бўлди.

— Кўрдик, билагингда кучинг бор экан, — деди хола, аммо бу савилни оладиган бўлсанг майиштиргин-да, болам. Олмасанг, молимни бузиб нима қиласан?

Кампир йигитни қўлидан темир таёқчани олди, енгил ҳаракат билан уни тўғрилади ва олдидаги сувқоғозга ташлади. Буни кўриб, полвоннинг кўзи чиқиб кетди.

— Ие момой, сиз Алпомишнинг энаси экансиз, тавба қилдик, — деди. Йигит ҳамма темир-терсакни йиғиштириб олди. Кампирнинг айтганидан икки ҳисса кўп пул тўладию жўнаб қолди.

Саъдулла СИЁЕВ

XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА: МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

	Мамлакатлар	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1	Хитой	51	21	28	100
2	АҚШ	36	38	36	110
3	РОССИЯ	23	21	28	72
4	Буюк Британия	19	13	15	47
5	Германия	16	10	15	41
6	Австралия	14	15	17	46
7	Жанубий Корея	13	10	8	31
8	Япония	9	6	10	25
9	Италия	8	10	10	28
10	Франция	7	16	17	40
40	Ўзбекистон	1	2	3	6

ФИКР

Соғлигингда югурмасанг, оғриганингда чоп-чоп қиласан.

Гораций

СПОРТ

Дунёни ҳайратга чўлғаган ўн етти кун

Бутун дунё аҳли зўр қизиқиш билан кузатган ва миллиардлаб инсонларга чексиз завқу шавқ улашган Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари 8-24 август кунлари бўлиб ўтди. Унда 204 мамлакатидан иштирок этган спортчилар ўртасида спортнинг 28 тури бўйича 208 та мусобақа ўтказилди. Олимпиадада 87 та давлат вакиллари ҳеч бўлмаганда биттадан медални қўлга киритилган бўлса, Афғонистон, Тожикистон, Того ва Мавритания спортчилари биринчи бор Олимпиада медалларининг соҳиби бўлишди. Шунингдек, Баҳрайн, Монголия, Панама ҳамда Ҳиндистондан келган спортчилар Ватанларига Олимпиаданинг илк олтин медалини олиб бориш бахтига муяссар бўлди.

Ўн етти кун давом этган Олимпиада мусобақаларида юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшкак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини 58 нафар спортчимиз ҳимоя қилди. Қизиқарли ва шиддатли руҳда ўтказилган мусобақаларда ҳамюртларимизнинг 6 нафари Олимпиада медали соҳиби бўлишди. Қўлга киритилган медаллар ҳисобида эса мамлакатимиз 40-ўринни эгаллади. Ўзбекистонлик спортчилар ҳисобига дастлабки медални дзюдо бўйича 60 килограмм вазн тоифасида мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Ришод Собиров франциялик полвонни мағлуб этиб, қўлга киритди. Спортнинг шу тури бўйича мамлакатимиздаги энг кучли спортчилардан бири бўлган Абдулло Тангриев ҳам Олимпиаданинг кумуш медали соҳиби бўлди. Терма жамоамиз ҳисобидаги яна бир медаль Екатерина Хильконинг номига ёзилди. У трамполин мусобақаларида муваффаққиятли қатнашиб, жами 36,90 балл тўплаган ҳолда бронза медалига эгалик қилди. Олимпиада ўйинларининг 19 август кунги бахсларида яна бир ўзбекистонлик спортчи Антон Фокин спорт гимнастикаси бўйича брусда бажарилган машқларда омадли иштирок этди ва терма жамоамизга бронза медалини олиб келди. Ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган пайт ҳам келди. Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилаётган юртдошимиз Артур Таймазов эркин кураш мусобақаларида 120 килограмм вазнда барча рақибларини мағлубиятга учратиб XXIX ёзги Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди. Мамлакатимиз спортчилари орасида иккинчи кумуш медални эркин кураш беллашувларида яхши қатнашган Сослан Тигиев қўлга киритди ва мухлислари олдида юзи ёруғ бўлди.

Спортчиларимиз Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишди. Қолаверса, бу ғалабалар ўсиб келаётган ёш авлод онгида ўз Ватанидан ғурурланиш ва унга муҳаббат ҳиссиётуйғуларини мустаҳкамлаши шубҳасиз. Шу боис Президентимизнинг “Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга кўра Олимпиада мусобақаларида олтин медаль соҳиби бўлган спортчига 200 минг АҚШ доллари, кумуш медаль эгасига 100 минг ва бронза медалини қўлга киритган спортчиларнинг ҳар бирига эса 50 минг АҚШ долларидан пул мукофотлари берилади. Шунингдек, Пекинда ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон номидан иштирок этган бошқа спортчиларга ҳам 2 минг АҚШ долларидан берилиши қарорда ўз аксини топган. Бу каби рағбатлантиришлар кейинги Олимпиада ўйинлари ва бошқа турли халқаро мусобақаларда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Азим РЎЗИЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Адабиёт жамғармаси уюшма раиси Абдулла Ориповга акаси

Абдухалил ОРИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси, “Ҳуррият” мустақил газетаси ва “Ўзбекистон матбуоти” журнали таҳририятлари жамоалари фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Есенбоевга қизи

Замира ХОЛБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

HURRIYAT

O'zingni anglab!

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-56-38, 236-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-754 Адади: 5325 2345678